220396

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 16 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 19 (6716)

*Даъват*

Одам мевага, ота-она дарахтга ухшайдур. Дарахтни ҳар қанча яхши тарбият қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ булур. Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча куп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб булур.

«Қобуснома»дан

*Ибрат*



*Кўрик-танлов*

## ИСТИҚЛОЛ НАВОЛАРИ

«Баҳор» концерт залида Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагогика институтлари, билим юртлари, лицейлар ва мактаб-интернатларнинг вакиллари ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Уни халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди ва қатнашчиларга муваффақиятлар тилади.

Ижро этилган қўшиқларда Ватан мадҳи, Мустақиллик ва у берган бахт тараннум этилди. Танлов шоир ва бастакорлар ижодий ҳамкорлиги самарасини намойиш этди.

Танловга тавсия қилинган асарлар уч мезон — шеър мазмуни, куй оригиналлиги (ўзига хослиги), ижро маҳоратига кўра баҳоланди..

Республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» гуруҳи «Шодлик» қўшиғини (П. Мўмин шеъри, Р. Абдуллаев мусиқаси) ижро этишиб, биринчи ўринни эгаллашди. Тошкентдаги 607-таянч болалар боғчасининг «Ғунча» вокал чолғу дастаси ҳамда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юрти талабалари иккинчи ўринни олди.

Учта учинчи ўрин Нукус давлат педагогика институти талабаси Элмира Турдибекова, Тошкент шаҳар ҳунар таълими ўқувчиларининг республика маданият уйи раҳбари Комилжон Йўлдошев ҳамда Навоий давлат педагогика институти хор жамоасига насиб этди.

**Ж. ИСКАНДАРОВ.**




**СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа. В. Криллов олган сурат.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

**● Буюк давлат арбоби Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий меросини, маданият ва маънавият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини чуқур ўрганиш, ёш авлодда миллий ифтихор ва мустақил Ватан туйғусини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Темурийлар тарихи Давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В. Чжен «Банк молия муассасалари» гуруҳи директори Дэвид Хекстер бошчилигидаги Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси аъзолари билан учрашди.**

**● Россиянинг демократик капитализм измига ўтишига таъсир этиш АҚШнинг ташқи сиёсатдаги фаолиятининг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Бироқ бу ислоҳотлар йўлидан давом этиш ёки этмасликни Россиянинг ўзигина ҳал қилади. Молия вазири Лоуренс Саммерс, коммунизмга қўйилган кўприклар ёқиб юборилганлигини, ортга қайтишга имкон йўқлигини таъкидлади.**

**● Пекин Тайваннинг Хитойга қўшилиши учун ҳеч бир ҳарбий кучлар ишлатмаймиз, дея ваъда бермаган. Бу ҳақда ХХР ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь маълумот берди.**

**● Хитой томонидан Тайван атрофида ўтказилаётган ракета синовлари ва янги ҳарбий ўқув машқларини АҚШ президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Энтони Лейк «масъулиятсиз ҳаракат» сифатида баҳолаб, Хитойнинг Тайванга ҳужуми жиддий оқибатларга олиб келишини таъкидлади. Давлат котиби Уоррен Кристоферининг Американинг бир неча ҳарбий кемалари Тайван қирғоқлари томон сузаётганлиги ҳақидаги хабари эса Хитойни бирмунча сергаклантириб қўйди.**

## УМИДАНИНГ УМИДИ

Бахмал туманида ўзига хос уюшқоқлик билан ўтказилган «Тарбиячи-96» кўрик-танлови узоқ вақтгача барчанинг ёдида қоладиган бўлди. Танлов давомида қатнашчиларнинг ҳаммаси бутун маҳоратларини намойиш этишиб, тарбиячи касбининг ўзига хос нозик қирраларини очиб беришди. Айниқса, «Ғунча» болалар боғчаси тарбиячиси Умида Умматованинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, танлов ғолиби деб топилди. У туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дарвоқе, Умиданинг мазкур танлов вилоят босқичида ғолиб бўлиш умиди ҳам йўқ эмас.

**Г. ИЛАШЕВА.**

*Акс-садо*

## СУНЪИЙ ГУЛНИНГ УМРИ ҚИСҚА

### ёки ориятли бўлиш қийинми?

*Газетанинг шу йил 6 март сонида чоп этилган «Узбекистон қиёфаси. Мозийга назар, муҳокама, мушоҳада» деб номланган давра суҳбатида маънавий қашшоқлик оқибатида ўз қиёфасини йўқотиш асоратлари, истиқлол мамлакати учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ватанпарварлик, фидойилик каби фазилатларнинг шахс камолотига таъсири хусусида қизғин баҳс юритилади. Бир сўз билан айтганда, қиёфасизлик — бу ўзликни унутиш эканлиги аниқ далиллар, мантиқий мушоҳадалар орқали очиб берилади.*

*Водариғ, поездларда келтирилган шўро истибдоди, коммунистик мафкура тарихимизни топтаб, сохталаштириб, қатағон қилиб, бойлигимизга эга чиқибдию, биз сиёсий ёлғонлар таъсирида ҳайбаракаллачилик қилиб умр кечиравериб-миз. Бой миллий меросимиздан мосуво, дунёдан узилган халқ сифатида бош эгиб, қуллуқ қилиб яшайверибмиз.*

*Минг шукрким, Мустақиллик қалб кўзимизга зиё берди. Довруқли тарихга, бой анъаналарга эга, сунъий гул экилган шўро харобаларига кўмиб ташланган биз ўзбекларни ҳам жаҳон аҳли таниб, тан ола бошлашди. Номимизни айтиб сўрайдиган бўлишди. Ахир, исмингни айтиб чақиришса, нечоғлик ҳурмат, қанчалар манзур!*

*Афсуски, сувтекин бойликлар эвазига «инъом» этилган арзон ёвғон шўрвага шукр этувчиларнинг соддалигидан фойдаланиб шўролар замонини қўмсаётганлар ғимирлаб қолишди. Бу рамақижон ҳаракатлар асосан коммунистлар ўрдаси — Россияда содир этилаётганига ажабланмаса ҳам бўлади. Янгиланаётган, губорлардан фориғ бўлаётган Россияда зўравонлик сиёсати устига қурилган шоҳона тахтни соғинаётганлар учраши табиий. Улар бугун турли интеграциялар ниқоби остида кўрпани ўзлари томонга кўпроқ тортиб олишга интилаётганликларини, воқеалар оқимини сиёсий томонга бураётганликларини биз кўзи очиқлар наҳотки энди пайқамаётган бўлсак?!*

*Шундай дамларда бир нарса мени ўйлантириб қўяди. Давра суҳбати иштирокчилари ғоят тўғри таъкидлаганидек, мактаб шўролар замонида мафкура шаклланадиган ўчоқ, муаллим бу ўчоқдаги қўрни алангалантирувчи гўлах каби эди.*

*Хўш, эндиликда муаллимларимизнинг ҳақиқий маънода Мустақиллик мафкурасининг оташин тарғиботчилари бўлишларига нима халал беряпти? Очиғи, айрим ўқитувчилар маош кам деган баҳонада тижорат ишларига ҳам ўтиб кетишди. Мен уларни айблашга айбламайман, лекин мустақил Ўзбекистоннинг ёш авлоди сифатида тушуна олмайман. Ахир, мамлакатимиз эндигина оёққа туриб келяпти. Шу паҳлавон гўдакни ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкинми? Унинг бир замонлар эшик ва деразаларига отнинг калласидай қулфлар осиб қўйилган, темир панжаралар билан ўралган сарой харобасида шумшайиб ўтирган, қув-қув йўталаётган ялангоёқ шўровий чолдан фарқини наҳот ажратиш қийин?*

*Ахир, муаллимлик кенг маънода, фақат тирикчилик эмас-ку! Унда касб ҳурмати, муаллимлик орияти қаёқда қолади? Бу ҳам кўнгилларда орият туйғуларини сўндирган ўша коммунистик мафкура асорати эмасми?*

*Орият бизнинг халқимиз учун бобомерос, қонимизда бор. Суфий, дунёвий билимлар яловбардорларидан бири Аз-Зокирийни ўтмиш шоҳларидан бири қатлга ҳукм этган экан. Бозоржойга унинг танасидан жудо этилган бошини қозиққа илиб қўйишибди. Эл кўзида икки шогирдини чақириб, устозингиз юзига тупуринг, дебди.*

*Биринчи шогирд жон қайғусида қозиқ ёнига келиб устози юзига тупурибди. Халқ «увв» тортиб юборибди.*

*Иккинчи шогирд ҳам қозиқ ёнига келибди... ва оҳиста тиз чўкиб устози соқолларидан ўпибди...*

*Мен устоз муаллимларимиз қонида Аз-Зокирий қони оқаётганига, ўқувчиларимиз кўксида Иккинчи шогирд юраги тепаётганига ишонаман!*

*Биз ёшлар истиқлолнинг буюк бир неъмат эканлигини яхши биламиз. Уни мустаҳкамлаш учун куч-ғайратимиз, салоҳиятимиз ва билимимизни аямаймиз, ҳатто ҳар доим, ҳар қачон фидойилик қилишга тайёрмиз.*

*Юртбошимиз ёниб айтганларидек: «Орқага йўл йўқ!»*

*Мустақил Ўзбекистон — бизнинг номусимиз, ориятимиз!*

**Ойбек ҲАКИМОВ,**
**Тошкент шарқшунослик институти студенти.**

*Халқ таълими ва ҳокимият*



## ОДАМЛАР ОРАСИДА

**Самарқанд тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Раҳима ҲАКИМОВА билан мулоқот**

**— Ҳар қандай кишининг ҳаётга, одамларга муносабати, дунёқараши асосан болаликда, аввало ота-она, кейин эса устоз муаллимлар таъсирида шаклланади. Суҳбатимизни ана шу таъсирлар ҳақидаги фикрларингиздан бошласак.**

— Албатта ҳаётда фарзанд тарбиясига ота-она таъсири ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмайди. Мен ҳам ҳамма инсонлар қатори йўқдан бино этган, дунёга келтирган, тилида бол, дилида меҳр бериб парвариш қилган ота-онамдан умрбод розиман. Бироқ тақдир менга онамни ҳам, отамни ҳам кўп кўрган экан. Тўққиз ёшимда онамдан жудо бўлдим. Ҳали болалик шўхликларига тўймай отамни ҳам тупроққа қўйиш қисмат бўлди. Ёлгизгина акам бор эди. У киши ҳам йигит ёшида оламдан кўз юмди.

Ҳаётимнинг ана шундай оғир дамларида кўнглимни чўктирмаган, умидим чироғини сўндирмаганлар муаллимларим бўлди. Айниқса, 1-3 синфларда дарс берган муаллимам Кубаро опа Дўстмуродованинг меҳрибонликларини сира-сира унута олмайман. Онам 2 йил тўшакда ётиб қолганларида ҳам Кубаро опа ҳамдард, кўмакдош бўлдилар. Мени эркалаб-суйиб «Менинг битта қизим бор, сен иккинчи қизимсан», дер эдилар. Уч йил олдин охирги марта кўришдик. Пастки қаватта тушишимни кутиб ўтирмай, хонамга кириб келдилар. Қучоқ очиб кутиб олиб, «Опажон, қийналиб чиқиб ўтирбсиз-а, ўзим тушар эдим-ку!» десам, «Ҳар зинани босганда сени дуо қилиб чиқиб келдим, қизим» дедилар алқаб...

Яна бошқа муаллимларим — Лидия Кушева, София Кулангиева, мактабимиз директори Хўжаева... ҳаммалари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди.

Қийин дамларда умидсиз бўлмасликка ундаган, дунёқарашим шаклланишига муносиб ҳисса қўшганлар ҳам ўша азиз устозларим деб биламан. Кейинчалик, раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрганимда устозларимдан бири айтган насиҳатни тез-тез эслаб тураман:

«Қизим, мана сиз йирик ташкилотга бошлиқсиз. Ҳали кўп ишлайсиз. Яхши ишлар қиласиз. Хўп десангиз, бир гап айтмоқчиман. Эрталаб хонага кирганда креслога қараб бошқа одамни кўринг. Чунки ҳеч кимга бу креслони боғлаб бериб қўйгани йўқ. Кечқурун уйга борганда кундузги ишларингизни таҳлил қилинг. Қандай яхши иш қилдингиз, билиб-билмай кимнинг дилини оғритдингиз.

Одамлар билан бирга бўлинг, аҳволларидан хабар олиб туринг.

Зарур пайтда ёрдам қўлини чўзиб, бир тошни олиб зарур бир жойга қўйсангиз одамлар умрбод фалончи шу ишни қилди, деб айтиб юришади», деган эдилар у киши.

Раҳбарнинг ўрни эл орасида. Юртбошимиз, элнинг ичида бўлинг, орзу ҳаваси, дарду ташвишлари билан қизиқинг, деб бежиз айтмаётирлар. Президентимизнинг «Ҳар кун савоб иш қилиш керак, ҳар ким савоб иш қилиши керак», дея айтган даъватларида катта ҳикмат кўраман.

Кечаю кундуз туманимиз одамлари ҳаёти, турмушидан хабардор бўлишга ҳаракат қиламан.

**— Мактабларда, боғчаларда ҳам бўлиб турасизми?**

— Ҳа, ҳар бир мактабга йил бўйи уч-тўрт марта бориб тураман. Ундан ҳам кўп бўламан десам муболаға эмас. Чунки ҳар ўн беш кунда бир марта хўжаликларда, фуқаролар йиғинида ҳокимликнинг кўчма қабули ўтказиб турилади. Кўчма қабул кунларида мактабларга, боғчаларга кириб, бутун жараённи ўз кўзим билан кўришга ҳаракат қиламан. Ҳатто синф журналини олиб, дарсда қанча ўқувчи қатнашаётгани билан қизиққан пайтларим бўлган. Балки бу ҳоким учун майда ишдек туюлар. Лекин менга бу аҳамиятли. Ўзингиз яхши биласиз, дарсда бўлмаган бола кўчага чиқади, бекорчиликдан безориликка қўл уради. Ахир, шу кўча ҳам менинг туманимда-ку? Кўча осойишталиги маънавий муҳитни белгилайди, деб ҳисоблайман.

Ўтган йили Оғалиқ фуқаролар йиғинида кўчма қабул ўтказганимизда шу ерда жойлашган 5-ўрта мактаб мослаштирилган эски бинода эканлиги маълум бўлди. Уч кундан кейин мактабга бориб, ота-оналар йиғилишини ўтказдик. Янги мактаб қуришга аҳд қилдик. Эрта-индин, яъни Наврўз байрамига 420 ўринли мактаб биноси фойдаланишига топширилади.

Улуғ мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги боғчаларимизда ҳам кенг нишонланди. 1-ва 3-боғчаларда ўтказилган шундай тадбирларда шахсан ўзим қатнашдим. Болаларимизнинг тийраклиги, билимдонлигини кўриб кўнглим ўсди. Ҳар икки боғчага ҳокимият ҳисобидан 30 минг сўмдан пул мукофоти ажратдик.

(Давоми 2-бетда).

*Саховат*

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ҲИММАТИ

**Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Туркистон» фермерлар уюшмаси Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари чегарасида жойлашган. Шу боис, бу жамоа хўжалигининг аҳолисини ўзбеклар ва қозоқлар ташкил этади. Икки қадимий биродар, оға-ини халқ вакиллари шу хўжалик бағрида бир оиладай тотув ва иноқ яшаб, қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишаётир. Улар бу ерда деҳқончилик, чорвачилик, сабзавот-мевачиликни ривожлантиришмоқда. Хўжалик ҳудудидаги Мирзо Улуғбек номидаги 4-ўрта мактаб ҳам байналмилал маскан.**

**Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида «Туркистон» фермерлар уюшмаси раҳбариятининг 4-мактабга кўрсатаётган ёрдамлари учун катта миннатдорчилик билдириб, мактаб директори Аҳмаджон ака Усмонов ўз фикрлари билан ўртоқлашди:**

**— «Туркистон» фермерлар уюшмаси раиси Ҳамидулла Йўлчиев мактабимизга хўжалик томонидан қандай моддий-маънавий ёрдам керак бўлса, ўз вақтида кўрсатмоқда. Мактаб ўқитувчиларига ҳар ойда 200 сўмдан ёрдам пули берилаётир. Мактабни таъмирлаш ишларига ҳам моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Шунингдек, ўқитувчилар ҳам ер участкаси билан таъминланмоқда. Юртбошимизнинг футболни ривожлантириш ҳақидаги Фармони чиқиши муносабати билан хўжалик томонидан мактабга спорт жиҳозлари харид қилиш учун 15.000 сўм маблағ ажратилди. Келажакда деҳқончилик мақсадида фойдаланиш учун мактаб ўқитувчиларига 1 гектар ер ажратиш ҳам мўлжалланмоқда. Булар педагогик жамоамизни руҳлантираётган манбалардандир.**

**Мактабда ўз касбига меҳр қўйган ўқитувчилар меҳнат қилаётир. Жамоанинг асосий қисмини хотин-қиз ўқитувчилар ташкил этади. Ўз касбининг устаси Норима Собирова, Шарифа Абдиева, Муяссар Расулова, Равшаной Исоқова, Мунира Илёсова, Жонғилой Олтинбекова, Ширингул Бойбусенова, Маҳфуза Даминова, Гулзода Чиндалиева ва Гули Абдураҳмонова каби муаллималар бутун мактаб фахри. Улар бир неча йиллардан буён фидойиларча меҳнат қилиб ҳам билим маскани жамоаси, ҳам ўқувчиларнинг катта ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлишган. Бу тажрибали устозлар ёш ўқитувчиларга касб малакаларини ошириш борасида яқиндан ёрдам бермоқдалар.**

Неъматулла МУҲАММЕДОВ.

*Халқ таълими вазирлигида*

## ТАРИХДА ТЕМУР СИЙМОСИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Тарих дарсларини ўқитиш жараёнида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш муаммолари» мавзуидаги илмий-услубий анжуман бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, республика Таълим илмий-методика маркази биргаликда ташкил этди.

Анжуманни Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тарих институти директори Аҳмадали Муҳаммаджоновнинг «Тарих дарсларида Амир Темурнинг давлат арбоби ва ҳарбий саркарда сифатида талқин этилиши», Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг етакчи маслаҳатчиси, тарих фанлари доктори Ислом Турсуновнинг «Амир Темур илм-маърифат ҳомийси», Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон фаолиятига бағишлаб ўтказилаётган очиқ дарслар ҳақида» халқ таълими вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошевнинг шаҳар мактабларида «Амир Темур дарсларини ўтказилишига доир», Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудири, профессор Абдуғаффор Набиевнинг «Амир Темурнинг халқ ободончилиги йўлидаги ҳаракатлари» мавзуидаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, анжуманда атоқли олиму фозиллар ҳам сўз олиб, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг сурури ёшлиги ва болалик йиллари, унинг саъй-ҳаракати билан обод этилган қишлоқлар, Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро ва Ясси (Туркистон) сингари шаҳарларда қад кўтарган маҳобатли иморатларнинг тарихий аҳамияти ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Анжуман хотимасида эса Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирининг ўринбосари Теша Мўминов ва Саидкомил Умаровнинг чиқишлари ҳамда талаба ёшлар томонидан тайёрланган Амир Темур хотирасига оид саҳна кўринишлари дилрабо куй-қўшиқлар анжуманга алоҳида файз бахш этди.

**Улуғбек ЖУМАЕВ.**

## ММM ХАБАРЛАРИ

### ТУРМУШГА ТАЙЁРМИСИЗ, ҚИЗЛАР

*Бўз туманидаги 2-ўрта мактабда «Турмушга тайёрмисиз, қизлар?» мавзуси бўйича «Зебо» қизлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов ҳайъатининг асосий мақсади юқори синфлар қизларидаги зукколик, зеболик, ҳақиқий ўзбек қизларига хос ҳаё ва иффатнинг қанчалар мукаммал эканлигини аниқлаш эди, холос.*

*Беллашув сўнгида 11-синфнинг аълочи ўқувчиси Адолат Комилова ғолиба бўлди.*

### РУҲИ ШОД БЎЛГАЙ

*Самарқандда вилоят ҳокими А. Мардиев ҳамда шаҳар ҳокими А. Носировлар иштирокида СамДУ хиёбонидаги Алишер Навоий музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Вилоят ҳокими А. Мардиев бу иш ғазал мулкининг султони, жамоат ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллуд топган кун арафасида чиққан Республика Вазирлар Маҳкамаси фармойишига муносиб жавоб бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, музей қурилишида ҳамда уни жиҳозлашда фаол иштирок этган ташкилотларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.*

### НУКУСДАН ТОШКЕНТГА

*Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси мактаб, лицей ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг фанлар бўйича 3-тур олимпиадаси бўлиб ўтди. Ҳайъат аъзоларининг якуний хулосасига кўра, унда иштирок этган 1200 нафар ўқувчидан 21 нафари 1-ўринни эгаллаб, шу йил 25 март куни Тошкентда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси фанлар олимпиадасида қатнашиш учун йўлланма олишди.*

### МАҲОРАТ МАРРАСИ

*Ангор туманида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танловининг саралаш босқичи ўтказилиб, унда 30 та мактаб, 8 та болалар боғчалари ўқувчи ва тарбияланувчи ёш ҳаваскорлари ғолибликка даъвогар бўлишди. Танловда 35-мактабнинг мусиқа муаллими Муҳиддин Мансуров, 5-мактаб ўқувчиси Камолиддин Соатов, 7-боғча тарбияланувчиси Феруза Хўжаевалар ҳақиқий маҳорат кўрсатиб, кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқи ва пул мукофотини қўлга киритдилар.*

### ҲАММА ГАП МАЛАКАДА

*Қашқадарё вилоят малака ошириш олийгоҳида воҳанинг турли шаҳар ҳамда туманларидан келган мактаб директорлари, ёшлар ва ўсмирлар етакчилари, бошланғич синф, чет тили, жисмоний тарбия муаллимлари ўз малакаларини ошириб қайтишди.*

*Дарвоқе, олийгоҳ ректори С. Саъдуллаев, доцент Э. Тоштемиров Халқ таълими аълочиси Т. Раҳматуллаев, ўқитувчи Ж. Абдиевлар тингловчиларга турли мавзуларда маърузалар ўқиб, педагог учун малаканинг ўта муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашди.*

**Муаллифлар: З. Тожибоев, Э. Маҳмудов, Ғ. Ёқубов, Н. Тожиев, А. Муқимов.**

(Боши 1-бетда).

**— Ҳар ҳолда одам ўз кўзи билан кўргандаги таассурот бошқача-да. Тумандаги барча муассасаларга, хусусан, мактабларга бориб туришингиз ҳақида аввалари ҳам эшитган эдик. Бир гал эрталабдан кечқурунгача бўлган экансиз. Сизни, ҳеч кимни огоҳлантириб ўтирмай, шундоқ бир ўзи кириб келаверади, дейишади.**

— Эшитганингиз рост. Лекин мен буни кутилмаганда бориб, бирор иш устидан чиқиш учун қилмайман. Биласизми, шундай ўзингиз борсангиз, аввало ҳақиқий кундалик ҳаёт ташвишларига шоҳид бўласиз. Ҳар қандай расмиятчиликдан холи, муаллимлар билан опа-сингиллардек гаплашаман. Эркин, очиқ суҳбатлашаман. Одамлар орасида тез-тез бўлиб турмасангиз, улар сизга кўнгилларини очишмайди. Бир келиб қолибди-да, дардимизни айтганимиз билан яна қачон келиб хабар оларди, деган ишончсизлик пайдо бўлади.

Ҳалиги гапингизга тўхталадиган бўлсак, мактабда эрталаб соат тўққиздан кеч соат бешгача бўлганим ҳам рост. Бу — «Йил ўқитувчиси — 95» туман кўрик-танловида эди. Ажойиб, билимдон, болажон, фидойи муаллимларимиз бор. Улар қилаётган ишларни кўриб, мамлакатимиз келажаги ҳақиқатан буюк эканлигига ишонасиз.

**— Навбатдаги саволим юқоридаги жавобларингиз билан боғлиқ. Мавжуд аҳволдан шахсан ўзингиз хабардор эканлигингиз учунми, ҳар ҳолда, туманингизда мактаблар, боғчалар, умуман янги иншоотлар қурилишига эътибор катта. Бу ишни қандай ташкил этаяпсизлар?**

**Қолаверса, шунча қурилишга маблағни қандай топаяпсизлар?**

— Режали иш бузилмас, деган гап бор. Биз ҳар янги йил бошида иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш Дастурини ишлаб чиқамиз. Барча соҳалар бўйича қишлоқларни ободонлаштиришдан тортиб, янги бинолар қурилишигача режалаштириб оламиз. Мактаб, боғча қурилишлари ҳам Дастуримизга киритилган. Албатта, агар бу ишларга давлат ажратаётган маблағлар билан чегараланиб қолсак ўйлаган ишларимиз вақтида амалга ошиши қийин кечади. Ҳозирги пайтда давлат ажратма маблағининг ҳар сўми ҳисобли. Чунки, мамлакатимиз катта, туманлар

энди кўпми-каммми, ўзингиз бошқаларга солиштириб кўраверасиз. Мен шуни таъкидлашни истардимки, ҳозиргача бирон боғча ёпиб қўйилган эмас. 53 та боғча ишлаб турибди. Шундан 16 таси маорифга, қолганлари хўжаликларга қарашлидир. Ҳозир яна 90 ва 140 ўринли 2 та боғча қурилятпи.

Мактаб ва боғчаларни озиқ-овқат маҳсулотлари, турли жиҳозлар билан таъминлаш ҳақида гапирадиган бўлсам, туманимизда «Таълим ва таъминот» магазини ишлаб турибди. Магазин мактабларга озиқ-овқат маҳсулотлари, ўқув қуроллари етказиб бераётир. 48 бетли дафтар арзон нархда — 2,5 сўмдан сотиляпти.

Ҳа демай стандарт жиҳозлар заводини ҳам ишга туширамиз. Шундан кейин таълим муассаларини ўқув жиҳозлари билан таъминлаш масаласи ҳам тўлиқ ҳал бўлади, деган ниятдамиз.

**— Раҳима Ҳакимовна, билишимча, учта дипломингиз бор, тўртинчисини олиш арафасидасиз. Яъни қишлоқ хўжалик институтининг охирги курсида сиртдан таълим олаяпсиз. Лекин биринчи касбингиз ўқитувчилик бўлган. СамДУнинг филология факультетини тугатгансиз. «Халқ таълим аълочиси» кўкрак нишони билан ҳам тақдирлангансиз. Демоқчиманки, ўқитувчилик касбининг зарур ва муҳим, айни пайтда машаққатли эканлигини яхши биласиз. Педагогларга шарт-шароитлар яратиб, бериш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида туманда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Аввало, илк бор ўқитувчилик касбини танлаганим, ўзингиз суҳбат жараёнида шоҳид бўлганингиздек, устозларимнинг инсон сифатида камол топишимга кўрсатган катта ижобий таъсирлари эди. Гарчи университетни битириб, маориф соҳасида ишламаган бўлсам-да, қаерда хизмат қилмайин, то шу пайтгача уларни қўллаб-қувватлаб келаман. Гап шахсий муносабатда ҳам эмас аслида. Ўқитувчи ҳар қандай вазият, ҳар қандай шароитда эъзозга муносиб инсон. Айниқса, ким она бўлса, муаллима аҳолини яхшироқ тушунади. Унинг уйдаги иши мактабдагидан кам эмас. Демоқчиманки, уларга ғамхўрликни хонадондан, турмуш шароитларини яхшилашдан бошлаш лозим.

# ОДАМЛАР ОРАСИДА

кўп. Жуда кўп ижобий ўзгаришлар бўлаётганига қарамай, ҳар бир туман эҳтиёжини қондириш, мисол учун, ҳар битта туманга 5 тадан мактаб қурилишини киритиб, шунча маблағ топиб бериш осон эмас. Ҳар бир раҳбар, ҳоким буни ўзи тушуниши керак.

Юртбошимиз ҳар бир туман ҳокимига шу худудда тўла мустақиллик бериб қўйибди. Шундай экан, ўзи имконият топиши лозим.

Наврўз куни туманимизда янги лицей очилади. Бу ишга давлат томонидан анча маблағ ажратилди. Лекин биз ҳам қараб ўтирмаяпмиз. Сувоқларини, теварак-атрофидаги панжараларини ўзимиз қилаяпмиз. Одамларимиз шанба-якшанба кунлари қарашиб турибди. Ёрдам ҳам анча маблағ ўрнини босади-да.

Туманимизда 83 та шлакоблок чиқарадиган ихчам заводларимиз бор. Уларнинг қуввати бир йилда 12,5 миллион дона. Биз 5-10 вагон цемент олиб, уларга ажратяпмиз, меҳнат ҳақини тўлаяпмиз. Тайёр блокларни эса хўжаликлар ва мактабларга беряпмиз. Иккита оҳак заводимиз мактабларга керагича оҳакни туҳфа сифатида ажратмоқда. Ҳар бир хўжаликнинг ўзида қурилиш бригадалари ҳам бор. Туман халқ таълими бўлимига қарашли «Маориф» хўжалик ҳисобидаги қурилиш ва таъмирлаш корхонаси ташкил этилди.

Анча йиллдан бери дарё бўйларидаги ташландиқ ерларда терак ўстираяпмиз. Эскиларини ёғоч қилаяпмиз. Ҳозир, ишонсангиз, ҳар бир хўжаликда 2 та мактабга етадиган ёғочимиз бор.

Бундан ташқари, ташкилотларимизнинг мактабларга ёрдами мувофиқлаштирилган. Бир қанча ташкилотларимиз маблағларини бир ерга жамлаб, зарур жойда навбати билан мактаб қуришни келишиб олишган. Ёки бўлмаса, бири шлакоблок ажратса, бошқаси ёғочини кўтараяпти, яна биттаси шифер таъминотини зиммасига олаяпти. Бизнинг вазифамиз уларнинг бошини қовуштириш, зарур пайтда муаммоларини худди шундай режали тартибда ҳал қилишни йўлга қўйишдан иборат.

Яна бир гап. Туманимизда якка тартибда ишлаётган жуда кўп усталаримиз бор. Улар фарзандларининг билим масканлари учун беғараз ёрдамларини аяшмаяпти. Бу усталарнинг ҳимматидан фойдаланган ҳолда давлат маблағига қурилаётган мактабларга ҳам ўзимиз миллий жило бераяпмиз.

Ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида 4 та мактабни фойдаланишга топширган эдик. Бу йил Наврўз байрамига 2 та мактаб, Мустақиллик байрамига эса 5 та янги мактаб тайёр бўлади.

Жажжиларимиз маскани — болалар боғчалари ҳам доимо эътиборимизда. Боғчаларга болаларни жалб қилиш туманимизда 42 фоизга етди. Бу

Биз шу мақсадда социологик тадқиқот ўтказдик: қайси ўқитувчиларимиз кўп болали, оилавий аҳволлари қандай, томорқаси борми, хонадонлари газлаштирилганми... ва ҳоказо. Ҳозир маорифдаги ишларимизнинг маълум бир қисмини ана шу тадқиқот натижалари асосида ташкил этаяпмиз.

Биринчи қилаётган ишимиз — педагогларимиз ойлик маошларини ўз вақтида олиб туришибди. Ўтган йили йил бошида уч ой уларнинг ҳар бирига 300 сўмдан қўшимча ҳақ тўладик. Шу йил Янги йил муносабати билан қоровуллар ва фаррошларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 4 минг 200 кишига 500 сўмликдан совға туҳфа қилдик. Наврўз куни эса бундай совға суммаси минг сўмдан бўлади.

Шу билан бирга аълочи ўқувчилар учун стипендия жорий этилган. Ўтган ўқув йили бошида улардан 941 нафарига кийим-кечак олиб бердик. Бундай хайрли ишларни яна давом эттирамиз, албатта.

**— Раҳима Ҳакимовна, юқорида айтганлардан келиб чиқиб, Самарқанд туманида маорифга эътибор яхши йўлга қўйилган, десак бўладими?**

— Албатта, яхшини яхши дейиш шу ишга даҳлдор кишиларнинг кўнгилини кўтаради, қилаётган ижобий ишларига рағбатларини оширади. Лекин хусусан ўсиб келаётган ёш авлод билан мунтазам иш олиб боришга даъват этилган маориф, яъни таълим-тарбия соҳасида қаноат ҳосил қилиш, хотиржамликка берилиш оқир-оқибат замондан орқада қолишга олиб келади. Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқанд вилоят халқ депутатлари сессиясида сўзлаган нутқларида вилоят маорифи шаънига, маорифга ҳокимият раҳбарлиги хусусида билдирилган ҳаққоний, холис танқидий фикрлардан хабарингиз бор. Биз туманимиз миқёсида мазкур нутқдан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олганмиз. Бинобарин, таълим-тарбияни янада ривожлантириш борасида ҳам қиладиган ишларимиз анча. Жумладан, дарсликлар муаммоси охиригача ҳал этилган эмас. Таълим муассасаларини компьютерлаштириш ишларини давом эттиришимиз, хорижий тилларни ўқитишни янада юксак поғонага кўтаришимиз, маҳалла, оила мактаб ҳамкорлигини кучайтиришимиз лозим.

Энг муҳим вазифа — жаҳон болалари билан бўйлаша оладиган билимдон, ватанпарвар, чинакам маънода Мустақиллик болаларини тарбиялаш!

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Суҳбатдош Саъдулла ҲАКИМ.**

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида*

# ЖАНОБ МАГИСТРЛАР...



Европа Иттифоқи ҳақида, унинг ТАСИС дастури ҳақида эшитмаган киши йўқдир, ҳойнаҳой? ТАСИС дастури ўз олдига қўйган муҳим вазифалардан бири — Советлар империясидан халос бўлган мустақил республикаларда жаҳон иқтисодиётини, сиёсатини тўғри тушуниб, тўғри талқин қиладиган кадрларни тайёрлаш. Бундай инсонпарвар ва тараққиётпарвар мақсадни амалга ошириш учун уларда ҳам моддий, ҳам маънавий маблағлар етарли.

Ана шу саховатли ТАСИС дастурининг баракасидан, мана, икки йилки, мустақил юртимиз ҳам баҳраманд бўлмоқда. Ўзбекистондаги бир қанча олий ўқув юртларидан, жумладан, жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетидан бир гуруҳ иқтидорли, инглиз тилида эркин сўзлаша биладиган ўқитувчилар, аспирантлар танлаб олиниб, ТАСИС аудиторияларига жалб қилинди. Улардан бир талайи ўтган йилнинг кузида европалик устозларидан оқ фотиҳа олишганлигидан хабарингиз бор. Куни-кеча яна бир гуруҳ битирувчилар магистрлик дипломларини қабул қилиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида йиғилишди. Бу тантанали маросимни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Қ. Аллаев бошқарди.

— Ўзбекистон, — деди маросимда сўз олган ТАСИСнинг республикамиздаги вакили профессор Женифер Кок хоним, — нафақат табиий ресурсларга, балки иқтидорли, илмсевар зиёлиларга ҳам бой экан...

Профессорлар Этьен Кракко, Питр Россель жаноблари ҳам ўз навбатида ҳамюрт хонимнинг сўзларини тасдиқладилар.

— Сиз, мана, бир йил давомида европалик домлалардан нималарни ўқиб ўргандингиз? — деб сўрадик қўлида магистрлик дипломи, кўзида қувонч порлаб турган Матёқуб Бақоевдан.

— Мен жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида кафедра мудири бўлиб ишлайман. Мана, магистрликни ҳам эгалладик... Бизни ТАСИС аудиторияларида менеджментлик, яъни бошқарув ихтисослиги бўйича ўқитди. Ишқилиб, ёмон сабоқ олмадик, ҳарҳолда жаҳон сиёсати, иқтисодиёти йўналишлари бўйича унча-мунча нарсага ақлимиз етадиган бўлиб қолди...

— Энди бу магистрлик унвони билан нима иш қиласиз?

— Ўқиб-ўрганганларимиз бўйича ёшларга таълим берамиз, бизнинг шогирдлар эса, етарли таҳсил олгач, ўз навбатида кейингиларни ўқитади, шундай қилиб, узилмас занжир тариқасида анъана давом этиб кетаверади... Қисқа қилиб айтганда, магистрлик мени буюк келажак учун одимлаётганларнинг олдинги сафида бўлишга ундайди...

Магистр Матёқуб Бақоевнинг сўзларидаги самимият йиғилганларнинг барчасининг кўзларида акс этиб турарди...

**Луқмон БЎРИХОН,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири.**




*«Туркистон — умумий уйимиз»*

# ХАЛҚАРО ДЎСТЛИК АНЖУМАНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ШУ ЙИЛ 15-18 МАЙ КУНЛАРИ «ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА «ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР ДЎСТЛИК АНЖУМАНИНИ ЎТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ.

Бир ҳудудда яшаб, бир дарёдан сув ичган Марказий Осиё давлатлари халқларининг дўстлиги ва қардошлиги азалий ва бузилмасдир. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда «Туркистон — умумий уйимиз» умумхалқ ҳаракати тили, дили, дини бир, яшаш тарздаги урф-одатлари ўхшаш бу ўлка халқларининг умумий шиорига айланиб кетди ва ўтказилаётган амалий тадбирлар дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Марказий Осиё халқларининг таълим-тарбия соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам кўп асрлик тарихга эга. Бугунги кунда Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистонда ўзбек тилидаги мактаблар ва бошқа ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ҳам барча Марказий Осиё халқларининг тилидаги мактаблар, боғчалар мавжуд. Уларни ўз она тилидаги янги дастур, дарслик, қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминламай туриб, таълимда сезиларли ижобий натижаларга эришиш қийин. Шу ва шунга ўхшаш муаммоларга таълим соҳасидаги қардош ҳамкасблар билан учрашиб, биргаликда ечим топиш бугунги кун талабидир. Ана шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мамлакатимизда бир неча йилдан бери яхши анъанага айланган ижодкор ўқитувчилар анжуманининг навбатдагисини халқаро дўстлик анжумани сифатида Марказий Осиё давлатларидаги ўзбек тилида дарс олиб борувчи ижодкор ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўтказишни мақсад қилиб қўйди ва шу ҳақда буйруқ чиқарди.

Халқаро дўстлик анжумани Фарғона шаҳрида ўтказилади. Шу муносабат билан анжуманни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолари рўйхати, ижодкор ўқитувчилар анжумани Низоми, Марказий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон вилоятларидан анжуманга келадиган вакиллар тақсимот рақамлари, Марказий Осиё республикалари таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда таълим бўйича давлатлараро тузиладиган шартномалар матнини тузиб чиқиш учун эксперт комиссияси таркиби тасдиқланди.

Анжуманни юксак ташкилий савияда бўлишини таъминлаш учун ташкилий қўмитага халқаро ижодкор ўқитувчилар дўстлик анжуманини тайёрлаш ва ўтказишнинг тадбирларини, анжуман дастурини ишлаб чиқиш ҳамда Марказий Осиё республикалари таълим вазирликларини йиғин кун тартиби билан олдиндан таништириш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиш топширилди.

Анжуман ташкилотчилари — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Ёзувчилар уюшмаси тасдиқлаган Низомга кўра анжуманда халқ таълими муассаса ва ташкилотларида ишлаётган ижодкор ўқитувчилар, тарбиячилар қатнашишлари мумкин.

Анжуман иш кунларида наср, назм, драматургия, болалар адабиёти жанрларида ижод қилувчилар учун шўъбалар ташкил қилинади.

Йиғинни ўтказишда қуйидаги масалалар кўзда тутилади:

— ўқитувчилар, тарбиячилар, халқ таълимининг барча ходимлари орасидаги ижодкорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб туриш, қизиқишлар доирасини ривожлантириш;

— ижодкор ўқитувчилар, тарбиячиларни аниқлаш, асарларини тарғибот қилиш, нашрга тавсия этиш;

— халқ таълими бошқарма ва бўлимларининг жойлардаги ижодий уюшмалар бўлимлари билан ҳамкорлигини кучайтириш. Бу борада Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлиги тўғрисида тавсиянома ишлаб чиқиш.

Анжуманда қатнашиш ҳуқуқи Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, вилоятлар ХТБлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими бош бошқармаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоятлардаги бўлимлари билан биргаликда ташкил қилган йиғинда турли жанрдаги асарлари ижобий баҳо олган, республика матбуоти орқали номлари таниш бўлган шахсларга берилади. Қорақалпоғистон Республикасидан, Тошкент шаҳридан ва ҳар бир вилоятдан учтагача ижодкор иштирок этади.

Ҳар бир ижодкор ўқитувчи ва тарбиячига республика миқёсида ўтадиган анжуманда бир марта қатнашиш ҳуқуқи берилади. Иштирокчининг ёши 50 дан ошмаслиги шарт.

Ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсидаги анжуманлари 1 апрелгача ўтказилади.

Анжуман иши шўъбалар бўйича олиб борилади. Ишлар қуйидаги жиҳатларга кўра баҳоланади:

— таълим-тарбиявий аҳамияти;

— мавзуси жиҳатдан ранг-баранглиги;

— бадиий мукаммаллиги

— замонавийлигига кўра.

Шунингдек, мушоиралар, таниқли ёзувчилар, шоир ва драматурглар билан учрашувлар, ижодий кечалар, она тили ва адабиёт ўқитилишига, таълим-тарбияга бағишланган давра суҳбатлари ўтказилади.

Анжуман қатнашчиларининг асарлари махсус ҳакамлар ҳайъати томонидан шўъбалар бўйича баҳоланади. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари камида 3 кишидан иборат бўлиши керак.

Болалар ҳаётига, таълим-тарбияга бағишланган, яхши деб тан олинган, сараланган асарлар жамланиб, Халқ таълими вазирлигининг «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталари ҳамда «Соғлом авлод учун», «Бошланғич тарбия», «Халқ таълими» журналларида ва бошқа нашрларда чоп этилади. Истеъдодли ўқитувчи ва тарбиячи ижодкорларни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тавсия этилади, Халқ таълими вазирлигининг «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишони билан тақдирланади.

Республика анжуманига тавсия этилган ижодкорлар тўғрисидаги қуйидаги ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоят ХТБ томонидан Халқ таълими вазирлигига анжумандан бир ой олдин тақдим этилади:

**— бир нусхада машинкада ёзилган туркум шеърлар, ҳикоялар ва бошқа жанрларда ёзилган асарлардан намуналар. (Бир нусхаси муаллифнинг ўзида бўлиши керак).**

Юборилган қўлёзмалар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика Ёзувчилар уюшмаси масъул ходимлари томонидан муҳокама этилади.

Анжуман қатнашчилари ҳақида маълумот қуйидагилардан иборат.

**Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, вилоят ХТБ билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларининг биргаликдаги тавсияномаси:**

**Республика ва вилоят матбуоти, нашрларида эълон қилинган асарлар ҳақида маълумотнома;**

**Сафар гувоҳномаси.**

Умуман, «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида Фарғонада ўтказиладиган халқаро ижодкор ўқитувчилар анжумани Марказий Осиё республикалари халқлари азалий дўстлик ва қардошлигини мустаҳкамлашга, бу мамлакатлар халқ таълимини ривожлантириш йўлида куч-ғайратларини бирлаштиришга хизмат қилади.

*Дарс таассуроти*

# ЭНГ МУШКУЛУ ЭНГ МУҲИМ



Дарс... Жарангдор сўз. Моҳиятан янгроқликни ифодаловчи «қарс», «тарс» янглиғ.

Сукутда кимдир қарс урса, бори диққат-эътибор унда жамланади.

Сўғин, сукунатда «тарс» этган товуш хотирада ўрнашади.

Шунинг учунки, ҳар иккала ҳолнинг изоҳи — кутилмаганликдир. Ўқитувчи дарсда болалар сукутига эришмоқчи экан, бу сукут алдамчидир — шунчаки ҳардамхаёллик ҳам бўлиши мумкин. Яхши дарс «алдамчи сукут»га дарз етказмоқ... болаларнинг бутун диққат-эътиборини жамлай билмоқдир. Ушмундай сукунатдагина айтилган сабоқ хотираларда қолади. Шунинг учунки, яхши дарснинг изоҳи ҳам кутилмаганликдир.

Тажрибали ўқитувчиларнинг таъкидича ҳам шундай: «Дарснинг энг муҳим, айни чоғда энг мушкул жиҳати болалар диққат-эътиборини жам қила билмоқдир. Энг беқарор нарса хаёл. Узоқ вақт хаёлни бир жойга йиғиб туришга ҳеч ким қодир эмас. Ўқувчиларнинг атиги беш дақиқа бўлса-да, хаёлини бир жойга йиғиб, шу вақт оралиғида дарсни лўнда тушунтириб бера олган ўқитувчи ҳақиқий ўқитувчи саналади».

...Зоя опанинг бир соатлик очиқ дарсини кузатар эканман, мана шулар хаёлимдан кечди. Мен бу муаллима аёлни яқиндан билмайман. Шу боис, юқоридаги мушоҳадаларни опанинг дарсига — амалий фаолиятига тавсиф ўрнида кўргайсиз. Унинг ҳаётий фаолиятини эса пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 130-ёрдамчи мактаб жамоаси яхши билади. Чунки Зоя Долуханова, мана, ўттиз олти йилдирки, шу мактабда болаларга рус тилидан сабоқ беради, айни пайтда илмий мудиралик ҳам қилмоқда. Жамоа берган тавсиф ушбу:

«Зоя Долухановнинг ўқитувчилик фаолияти 1955 йилдан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти бўлимини тамомлагандан сўнг бошланган. Сўнгра у Москва давлат педагогика институтининг дефектология бўлимини ҳам битирган. «Рус тили дасрларида ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш» муаммоси устида иш олиб боради. Ўқитувчи иш жараёнида жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар фикрлаш қобилиятининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи услубларни қўллайди. У ўзбек тилида таълим олувчи ўқувчиларнинг 5-8-синфлари учун «Рус тили» фанидан тузилган дастурнинг, рус тилида шуғулланувчи ўқувчиларнинг 3-4-синфлари учун «Ўзбек тили» дарслигининг муаллифидир. З. Долуханова — олий тоифали ўқитувчи, «Халқ маорифи аълочиси»дир.

Юқорида айтдикки, ўқувчилар диққатини жалб қилмоқ ва бутун эътиборини дарсга қарата билмоқ энг мушкул иш. Жисмоний ва ақлий жиҳатдан нуқсонли ўқувчилар синфида эса бу ҳол ўқитувчидан икки карра меҳнат, икки карра тажриба талаб қилади. Меҳрибон мураббия Зоя Долуханова ёрдамчи мактабдаки, шунга интилмоқда ва эришмоқда. Энг муҳими шу!

**Икром ИСКАНДАР.**
**Суратда: Зоя Долуханова.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

*Долзарб мавзу*

# МУКАММАЛ ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ

«Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўргатишнинг ягона концепцияси» лойиҳаси эълон қилинганидан кейин республика таълим илмий-методика маркази ва «Маърифат» газетаси таҳририяти ҳамда тузувчилар гуруҳи аъзолари юздан ортиқ тақриз матнлари олди ва жойларда оғзаки таклифлар баёни йиғилди.

Бундан ташқари, олий педагогика институти, ўқитувчилар малакасини ошириш факультетлари тингловчилари билан учрашувлар ҳамда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ташаббуси билан ўтказилган тарих фани ўқитувчилари кенгашлари, бошқа расмий машваратларда ҳам мазкур концепция ҳақида атрофлича фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Концепциянинг яратилиши асосан маъқулланиб, Ўзбекистон тарихини холис ва оқилона ёзилишида унинг объектив асос бўлиши таъкидланди. Албатта, жиддий камчилик ва нуқсонларни кўрсатган, илмий ва услубий таҳлил қилган мутахассислар ҳам бўлди. Айрим тақризчилар эса: «Концепцияни чуқурлаштириш керак», «Концепцияни такомиллаштирмоқ лозим», «Янгича ёндошиш керак», «Жаҳон андозаларига мослаш», «Қайта ишлаётганда чуқурроқ мулоҳаза қилиш лозим», «Бу умуммиллий муаммо» каби умумий, ҳар эҳтимолга қарши навбатчи гаплар билан чекланганлар.

«Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» юзасидан қимматли фикрлар билдирган олимларнинг айрим мулоҳазалари ҳақида бир неча мисоллар келтирмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор А. Азизхўжаев, академиклар В. Аҳмедов, А. Асқаров, академия мухбир аъзоси А. Муҳаммаджонов, тарих фанлари докторлари Р. Шамсутдинов, Ш. Шаропов, К. Норматов, А. Отажонов, фан номзодлари С. Холбоев, Н. Норқулов, Б. Эшов, А. Одилов, Н. Бегалиев, А. Саъдулаев, олий тоифадаги ўқитувчилар М. Юнусова, Х. Узоқова, методист ўқитувчилар Ж. Раҳимов, У. Жўраев ва бошқалар муҳокама ва мунозараларда фаол иштирок этдилар.

Уларнинг концепция лойиҳасидаги: «1917 йил февраль буржуа инқилобининг Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ва демократик ҳаракатларга таъсири», «Октябрь тўнтариши ва Туркистонда Шўролар ҳукмронлигининг ўрнатилиши», «Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтсодий ва маданий ҳаёти (1920-1930 йиллар)», «Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945 йиллар)», «Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти (1946-1985 йиллар)», «СССРнинг таназзули, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши (1985-1991 йиллар)» бўлимлари ўрнига «Ўзбекистон Шўролар истибдоди даврида (1917-1991 йиллар)», «Ўзбекистон мустақиллик даврини (1991 йилдан ҳозиргача)» эса «Янги тарих» деб аташни (А. Азизхўжаев), «Чиғатой улуси ва унинг тарихи (1224-1370 йиллар)» даврининг тушиб қолганлиги, олий ўқув юртларида «Ўзбекистон тарихи»га ажратилган соатларни кўпайтириш, давлат битирув имтиҳонларини жорий этиш (Б. Аҳмедов), қўшимча «Туронзаминнинг қадимги (мумтоз) даври, Тоҳирийлар ва сомонийлар давлати» (А. Асқаров) мавзуларини киритиш лозимлиги каби жиддий фикрлари диққатга сазовордир.

Қайд этилган таклиф ва мулоҳазалардан ташқари яна кўплаб матний фикрлар билдирилди, тақризлар келиши ҳали давом этмоқдаки, албатта, уларнинг барчаси синчиклаб ўрганиб чиқилади, концепциянинг мукаммал нусхасининг шаклланишида улардан имкон қадар фойдаланилади.

«Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» муаллифлар гуруҳи концепция юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳар бир иштирокчига самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

Энди навбат мазкур ягона концепция асосида олий ўқув юртлари тарих факультетлари, бошқа барча олий ўқув юртлар, ўрта махсус ўқув юртлар, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим-тарбия муассасалари учун дастурлар ишлаб чиқиш, сўнгра уларга мувофиқ равишда дарсликлар яратишдан иборатдир.

Барча мутахассиларни, Ватан тарихини ўқитиш ва ўрганишдек масъулиятли вазифага бефарқ қарай олмайдиган ҳар бир фидойини бу жараёнда фаоллик кўрсатишга таклиф этамиз. Таҳлилий фикрлар билдирилган мактубларингизни кутамиз.

**И. ТУРСУНОВ,**
**масъул муҳаррир, тарих фанлари доктори,**
**Ҳ. БОБОБЕКОВ,**
**илмий муҳаррир, тарих фанлари доктори.**

*Сиртқи дарс*

# 13. УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ ТАРИХДАН САБОҚЛАРИ

Улуғбек Мирзонинг «Таърих-и арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари маълум. Лекин асарнинг тўлиқ нусхаси бизгача етиб келмаган. Мухтасар нусхаларининг иккитаси Лондон ва Бодлеян кутубхоналарида, учинчи нусхаси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳрида ва тўртинчиси АҚШнинг Ҳорвард университети кутубхонасида сақланмоқда.

**Дарснинг таълимий мақсади:** ўқувчиларни Улуғбек Мирзонинг «Таърих-и арбаъ улус» асари мазмуни ва тарихий қарашлари билан ошно қилиш.

**Дарснинг тарбиявий аҳамияти:** Улуғбек Мирзонинг тарихий қарашлари асосида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

**Дарс режаси:**

1. «Тарих-и арбаъ улус» мундарижаси.
2. Улуғбек Мирзонинг тарихий қарашлари.
3. Асарнинг тарбиявий аҳамияти.

Асар сўзбошисида исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, турклар аждоди Ёфас, унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнгра турк хоқони Ўғузхон ва унинг авлоди тарихи, турк-мўғул қабилалари ҳақида маълумотлар келтирилади. «Тарих-и арбаъ улус»нинг қолган қисмлари Чингизхон вафоти (1227) арафасида ташкил топган тўрт улус ва уларнинг хонлари ҳақида:

1. Улуғ юрт — Мўғулистон ва Шимолий Хитой.
2. Жучи улуси — Балхаш денгизидан Волганинг ўрта ва қуйи оқимигача бўлган ерлар ва Ғарбий Сибирь.
3. Чиғатой улуси — Еттисув, Кошғар, Мовароуннаҳр ва ҳозирги Афғонистоннинг шимоли.
4. Элхонийлар улуси — Эрон, Ироқ, Озарбайжон.

Улуғбек Мирзонинг бу асари кўпдан бери маълум бўлса ҳам битик нусхалари чет элларда эди. Академик Бўрибой Аҳмедов ташаббуси билан асарнинг фотонусхаси Англиядан олинган ва илмий муомалага киритилган.

«Тўрт улус тарихи» кейинги давр муаллифларига кўп асқотгани маълум. Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр», «Хулосатул-ахбор», муаллифи номаълум «Таворихи гўянда», «Нусратнома» (1502—1505 йиллари битилган), Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳийнинг «Зубдатул -осор» (1525 й. ёзилган), Маҳмуд ибн Валининг «Баҳрул асрор фи маноқиби аҳёр» (1634—1640) асарлари учун «Тўрт улус тарихи» манба сифатида фойдаланилган.

«Таърих-и арбаъ улус»да шу вақтгача биз жуда ҳам кам маълумотга эга бўлган Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган, тўрт улус — Улуғ юрт (тарихий Мўғулистон), Олтин Ўрда, Чиғатой улуси ва Элхонийлар — Хулагуйлар тарихи ҳақида маълумот беради. Улуғбек Мирзо ўз асарида Улуғ юртнинг 21, Олтин Ўрданинг 39, Элхонийлар давлатининг 22, Чиғатой улусининг 33 хони, мазкур улусларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Чингизийлар сулоласи тарихига доир бирор тарихий манбада бундай тўлиқ маълумотни учратмаймиз.

Яна китобда халқимиз ижтимоий ҳаёти ва ҳарбий тузилишига доир қимматли маълумотлар мавжуд.

Ўзбек сўзининг келиб чиқиши ҳақида Улуғбек Мирзо шундай дейдилар: «Тўқтойхон давлати поёнига етгач, ҳазрати Султон Муҳаммад Ўзбекхон ибн Тўғрал ибн Калик... тахтга ўтирди. Ўзбек улусини унга нисбатан берадилар... Ҳижрий 712 йилда (милодий 1312) салтанат тахтидан жой олди. Айтишларича... тахтга ўлтиргандан саккиз йил ўтгач, машойихлар ва мусулмон шайхи, авлиёлар қутби ҳазрати Занги Отанинг... ишорати билан жанобн саййидзодалар, Аллоҳнинг иродаси билан йўлдан адашувчиларни тўғри йўлга солувчи, муридларнинг пири муршиди, толибларнинг йўловчиси ҳазрати Саййид Ота... яъни Занги Отанинг халфаси орқали.., ҳижрий 720 йили (милодий 1320 йили) Ислом динини қабул қилиш шарафига муяссар бўлдилар».

«Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзининг эл-улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Саййид отанинг ғайб ишорати ва Аллоҳнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Саййид Отага... қулоқ солишдан бўйин товлаганлар, бу саодатдан бебаҳра ҳолда, у ерда қолдилар ва «қалмоқ» деган номга мансуб бўлдилар, ки бунинг маъноси «қолган» демакдир. Ҳазрати Саййид Ота ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароуннаҳрга келган кишилардан: «Бу келган ким?» — деб сўрардилар. Уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун уларни «ўзбек» деб атадилар. Шу сабабдан ўша замондан бошлаб Мовароуннаҳрга келган кишилар «ўзбек» деб атала бошланди».

Бу маълумотлар ўзбекларнинг этник келиб чиқишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. 1212 йилда Самарқандни қорахитойликлардан ҳимоя қилишда Аловуддин Муҳаммаднинг жасорати ҳақида ҳикоя қилар экан, Улуғбек Мирзо ёзадилар:

«Султоннинг жанг кетаётган пайтда душман либосини кийиб ва қурол яроғини тақиб олиш одати бор эди. Унинг хос одамлари ва яқинлари ҳам либосларини ўзгартириб қорахитой лашкари орасига тушиб қолганларида султонни таниб қолган эдилар».

Улуғбек Мирзо унинг ножўя ҳаракатларидан ҳам кўз юммайди:

«Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан содир этилган носавоб ҳаракатлридан бири шу бўлдики, туҳмат воситаси билан ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг, тангри унинг сирларини муқаддас тутсин, муриди Шайх Мажддуддин Бағдодийга қарши онаси Туркон хотун билан бирга бир кечаси суъиқасд қилдилар. Султон мастлик ҳолатида ул динбузурчи қатлига рухсат берди. Эрта тонгда ҳушёр тортгач, қилмишидан пушаймон бўлди. Жавоҳир тўла бир табоқ ва олтин тўла таштни ҳазрати Шайх Нажмуддин Кубро, тангри сирларини муқаддас қилсин, хонақода дарвешлари жамоаси ҳузурига жўнатиб, «буни дарвешлар суфра қилсунлар. Беихтиёр юз берган бу гуноҳ учун афв этсунлар», деди. Шайх: «Унинг хунбаҳоси зару жавоҳир эмас, балки унинг калласидур. Яъни, Султон ва унинг гумашталари бошидир», дедилар.

Улуғбек Мирзо халқ қаҳрамони Темур Малик жасоратини меҳр билан қаламига олади: «Алоқ нўйон Фалоқат шаҳридан кейин Хўжанд шаҳрига келди. Шаҳар арбоби ҳисорда эмас эди. Шаҳар волийси Темур Малик эди. Шижоатда шундай мартабада эдики, Рустами Зол тирик бўлганда унинг савлатидан фахр қилар, агар Сом ҳаётдан баҳрадор бўлганда Темур Маликка бандалиги ҳалқасидан боши осмонга етган бўларди. Лекин, давр инқилоби толеъидан ночору ноилож қолди. Ва Сайхун номи билан маълум Хўжанд дарёси ўртасидаги ҳисорда, сув икки шохга бўлиниб оқадиган жойда бир олий қалъа бино қилган эди. Муътамидул — истеъдод минг нафар киши билан у ерда ўрнашиб олиб, тезлик билан ҳисорни мустаҳкамлаш ва жангга тайёргарлик билан машғул бўлди.

Манжаниқ ўқлари у ерга етмагани сабабли мўғуллар хўжандлик ёшларни тўплаб, дарё бўйига ҳайдаб келтирдилар. Мўғуллар қўлга киритилган ҳар бир вилоятдан асир олинганларни мададга келтирдилар. Тахминан эллик минг нафар одам ва йигирма минг мўғул жамъ бўлди. Уларнинг мажмуъини даҳа ва садаларга бўлдилар. Ҳар ўн саккиз нафар тожик тепасига бир мўғул қўйилди. Тожиклар дарёга шох-шибба келтириб ташлайдиган бўлдилар. Темур Малик ўн икки қарқур — усти ёпиқ кема қурдирди. Уларни намад билан ёпиб, ташини сиркадан лой қилиб сувашди. Чунончи, ўқ ҳам, оташ ҳам унга кор қилмайдиган бўлди. Уларда даричалар қолдирилганди. Ҳар кун тонгда ҳар икки қирғоқ томонга олтитадан кема билан келиб, қаттиқ жанг қилардилар. Аҳвол танг бўлавергач, усти ёпиқ саксон кема қуриб, устини сиркали лой қоришмаси сувалган намад билан ёпдилар ва жўнаш учун ҳозирлаб қўйдилар. Юклари, кўч ва бола чақаларини унга ортдилар. Темур Малик ўзи жанговар йигитлари билан бир қарқурга ўрнашди. Сўнг яшин ва шамолдек елиб дарё бўйлаб сузиб кетдилар. Мўғул лашкари огоҳ бўлиб қолди. Жанг қила-қила уларни қувиб, дарё қирғоғи бўйлаб от қўйдилар. Қайси томонда мўғул лашкари зўрайса жангчилар ўлтирган қарқурлар шу томон елиб, қазо ўқидек камондан ўқ отардилар ва хато кетмасдилар, уларни дафъ этишарди. Кемаларни дарё бўйлаб елдириб, фанокатгача етдилар. Бу ерда дарё ўртасидан занжир тортилган эди. Мўғуллар сув юзасида тезлаб келаётган кемаларни тўхтатмоқчи бўлган эдилар. Темур Малик бир зарб билан занжирни икки бўлак қилди. Белгиланган жойга, саҳрога етганларида ўз кемаларини соҳилга яқин суриб, дарёдан чиқдилар ва биёбон сари йўналдилар. Мўғул лашкари Темур Малик ва унинг одамлари ортидан тушдилар. Темур Малик ҳар соатда ўз ҳамроҳлари билан елкама-елка туриб жанг қиларди, токи аёлу болалар ва қариялар узоқроқ кетгайлар. Сўнг яна ўз дўстлари ортидан чопиб етиб олишарди. Бир неча кеча-кундуз шу алфозда лашкарнинг аксарияти нобуд, баъзилари ярадор бўлди. Молу мулкларини душманлар талаб олдилар. Темур Малик бир гуруҳ собитқадам одамлари билан шошилмай душман йўлини тўсди. Ёнидагилар ҳам нобуд бўлди. Узининг эса қурол-яроғи қолмади. Фақат уч ўқи қолганди, холос. Уларнинг ҳам бири синиқ ва пайконсиз эди. Уч мўғул нигомиш (таъқиб) билан елиб келарди. Темур Малик ҳалиги синиқ пайконсиз ўқ билан бир мўғулнинг кўзини чоғлаб отди. Ук нишонга тегиб, у кўр бўлиб қолди. Қолган иккисига деди: «Шу икки ўқ билан сизларга бас кела олурман, десам бўлади, қайтинглар ортингизга, йўқса тақдирингиз шу икки ўқдадир.

Ул икки мўғул Темур Малик кўрсаттан ва ўзлари гувоҳ бўлган жасорат ва маҳоратни кўриб, унинг сўзига бовар қилдилар ва қайтиб кетдилар. Темур Малик соғ-омон қолди. У Хоразмга келди ва халқ ишига қўшилди» (114—146-саҳифалар).

Улуғбек Мирзо Султон Жалолуддиннинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилади. Унинг Валиён қалъасини қамал қилиб турган Бекчак ва Тимқур бошлиқ мўғул қўшини билан жанг қилиб, тўққиз мингга яқинини қиличдан ўтказгани; кейин Султон Жалолуддинга қарши жўнатилган Қайқуд Нуйон бошлиқ ўттиз мингли мўғул лашкарини Бозон мавзеида тор-мор келтирганини алоҳида меҳр билан ҳикоя қилади (176—184-бетлар).

Сўнг Жалолуддиннинг Ҳиндистон ва Ироқда ҳукм сургани ва касаллиги туфайли енгилиб, 1231 йили ўлдирилгани ҳақида батафсил маълумот беради (184—190-саҳифалар).

Улуғбек Мирзо Маҳмуд Торобий қўзғолони ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилади. Келтирилган маълумотлар Мирзо Улуғбекнинг халқпарвар ва ватанпарвар, холис ва ҳақгўй муаррих бўлганидан далолат беради.

**Наим НОРҚУЛОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

*Эҳтиром*

# БИР ЧИРОҚҚА ПИЛИК БЎЛИБ



1953 йилнинг ёруғ ёзи. Хомравот қишлоғига нозиккина, сочлари этаклари билан баробар, лутфи ширин бир қиз келин бўлиб келди. У шу кўкаламзор, ажриқлари тиззадан келадиган, пахса деворли биргина бошланғич мактаби бор қишлоққа тезда эл бўлиб кетди. Бу масканнинг қалдирғоч зиёлиси, машҳур Максим Горький номли мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаётган Абдуҳалим Нуруллаев қайлиғини кейинги йил Бухорога, олий ўқув юртига ўқиш учун олиб борганида улар биттага кўпайишди. Ҳар йил улар раҳматли қайноталари билан бутун оила Бухорога кўчиб бориб, сиртдан ўқишди, муаллима Шарифахон олий маълумотли бўлиб диплом олганида, уларнинг фарзандлари бешта бўлди. Ўн саккиз ёшидан бери Шарифахон опа умрининг 35 йилини битта мактабга қатнаб, ўқувчилар даврасида ўтказди. Унинг дарслари намунали, ўзига хос бўлиб, кези келганда нотиқ, кези келганда режиссёр, созанда, кези келганда шоир бўлиб ўқувчиларнинг қалбини сеҳрлади, илмга, маърифатга меҳр уйғотди. Ўз болалари етмаганидай олтин нишон олган ўқувчиларининг ортидан Тошкентга келиб, олийгоҳлар остоналарида уларни кутиб далда бериб юрганлари кўп бўлди. Абдуҳалим Нуруллаев эса узоқ йиллар Қизилтепа туманидаги бош мактабда илмий бўлим мудири вазифасида ишлади. Тарих ва география фанини сув қилиб ичган муаллим қишлоқлар ва тепалар тарихи, қадимги атамаларини яхши билади.

Бир ёзда Тошкентдан Уйғун домла ҳозирги Мирза Азим Бўстоний мактабига учрашув учун келдилар. Уларнинг қанотларида Қуддус Муҳаммадий, Ёқубжон Шукуров каби таниқли шоир ва адиблар бор эди. Бошланғичлар таътилда эди. Уйғун домла ўзларига шеър ўқиб берган «майиздай қизалоқ қани?» деб сўраб қолибдилар. Ана шунда Абдуҳалим Нуруллаев мени излаб ёбонга келиб қолдилар. Биз бола-бақралар кун тиғида қизиб, тўзиб сигир боқиб юрардик. «Қани, мухбирча, юр, сани Уйғун бобо сўраяптилар» дедилар. Абдуҳалим муаллим. У киши менга язна бўладилар-да! Патила сочли қизилоқ «мухбирча»ни тўғри ёбон бошидан мактабга — велосипед орқасига мингаштириб олиб бордилар... Узимда йўқ шод эдим.

Хомравот қишлоғидаги мўъжаз мактабча кенгайиб, янги иморатларга кўчиб, етти йиллик ўқув даргоҳига айлантирилди. Абдуҳалим Нуруллаев она қишлоғидаги мактабга директор этиб тайинланди. Бир адабиётсевар муаллима ва бир тарихни билгич жонкуяр муаллим қанотида юзлаб ўқувчиларнинг кўзлари очилди, илм чашмаларидан баҳраманд бўлдилар. Сафма-саф фарзандлар йўлга кирди, чуғурлаб жилд кўтариб мактабга қатнай бошлади уларнинг ҳам полопонлари. Ота-онадан эрта айрилган, очиқ-тўқин йилларда қаттиқ касалликларни бошдан кечирган Абдуҳалим муаллим билим олишнинг хосияти кўплигини барчага уқтириб яшади. Етим ўсганлар отасиз катта бўлганларнинг кўнглини яхши тушунади. Мен ҳам ўнинчи синфни тугатдим. Ўқишни давом эттириш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бибиражаб опам (худо раҳмат қилсин ул азизамизни) бир оғиз илтимос қилдилар: — Шу синглимизни кўнгли ярим бўлиб қолмасин, Тошкентга ўзингиз олиб боринг, муаллимсиз, йўл-йўриқни биласиз, ҳужжатларини топширтириб келинг!

Мана шу илмпарвар Абдуҳалим поччам мени азим шаҳарга олиб келиб, ётоққа жойлаштириб, бўш келманг, тиришиб ўқинг, деб тайинлаганлар...

Менинг кенжа опам, опаларим ичида кўрками, сўзамоли, хушрўйи Шарифахон Ҳожиева баҳор кунларида беш мучални тўлдирадилар. Ортда қолган 60 йилнинг 35 йили тинимсиз изланиш, болаларнинг кўнгил дафтарларига эзгуликлар ёзиш, уйқусиз тунларнинг узун ва ёрқин иншоларидир.

Бу меҳнатнинг ширин мевалари ён-атроф қишлоқдаги бири-биридан зукко, маърифатли шогирдлар. Ёзда томорқада кетмон чопишди. Колхознинг пахтасини теришди, буғдойини ҳам ўришди. Мол-ҳол боқишди. Таътил фасли оёқлари лойдан чиқмади. Уларнинг энг катта курортлари мана шу Хомравот қишлоғи бўлди. Шарифахон тандир-тандир нон ёпди, чеварлик қилди, болаларини тиндирди, устини бутлади. Кўрик-конкурсларда ўқувчиларни етаклаб юрди, тўгаракларни бошқарди, касаллик варақасини билмаган авлод сирасидан бўлди улар иккиси.

Абдуҳалим Нуруллаев эса етмишга етиб, саксонга сакрабдилар. Бу ҳаёт йўлларининг элликта довони билим беришдек қутлуғ меҳнат билан музайян. Мен олий маълумотли эканман, муаллим эканман, деб пар ёстиққа ёнбошлаб, роҳат қилиб ўтирган куни йўқ. Меҳнатсиз ўтмаган унинг бирор лаҳзаси. Далаларни, кенгликларни севган бу Инсон баҳордан то аччиқ куз шамоллари эсиб, биринчи қор тушгунча кейинги йиллар набира-абиралар учун ёғ-мой бўлсин дея даштларга сурув ҳайдаб ҳам кўрди. Қизларим, ўғилларим маърифатли бўлсин деб, Тошкент ва Бухоро ораси у кишига боғ йўлидай бир қадам бўлган йиллар меҳнатини сўранг.

Шоҳиста қизлари тумандаги энг иззатли шифокор. Олимахон, Насибахон, Ғайратжонлар муаллим. Шуҳратжон инженер. Азимбой ва Матлуба ҳам нонини ҳалоллаб ейдиганлардан.

Биз журналистлар одатда машҳур, эл орасида таниқли қаҳрамонларни излаймиз. Лекин биз билан ёнма-ён бўлиб тақдиримизга ёруғлик олиб кирган, умр бўйи эл хизматида бўлган камтарин инсонлар ҳақида кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз. Ваҳоланки одамзоднинг жамиятда ўз ўрнини топиши, худо берган барча салоҳиятларини ишга солиб, эл-улус учун жиндай наф келтира олиши, кимларгадир тирак бўлиши, бировларга юк бўлмаслигининг ўзи бир жасорат. Икки одамнинг тил топишиб, умргузаронлик қилиб, қобил фарзандлар тарбиялаб элга қўшиши эса улуғ мардлик.

Тавойис қишлоғини оралаб ўтсангиз, боғларга чўмилган бир қишлоқча келади. Унинг йўлларида бугун автолар қатнайди. Мактаб ҳам энди Свердлов эмас — Ўзбекистон номи билан юритилади. Ана шу мактаб йўлларида, ғиштларида, синфхоналарида икки дилдош, икки меҳрибон муаллимнинг кўз нурлари, овозларининг жаранги, нигоҳларидан тўкилган мунислик сингиб қолганини тилсиз хоналар айтсин. Услубиётчи муаллим, халқ маорифи аълочиси Шарифа Ҳожиева ва тажрибали, донишманд ўқитувчи Абдуҳалим Нуруллаевнинг ҳаётдаги, эл орасидаги, шогирдлар меҳридаги қутлуғ излари ана шундай ибратли, мунаввар эканидан беҳад суюнаман. (Тарки одат қилиб қадрдонларим ҳақида дил сўзларимни битганим ҳам шундай).

...1945 йил феврали изиллатади. Танчада бемор ётган Хожимурод бобо тийрак қизчасини — Шарифани ёнига чақирди, пешонасидан ўпди. Умринг узоқ бўлсин, бахтли бўлгин қизим, деб дуо қилди.

— Югур, қизим, Латифбобони айтиб кел. Отамнинг тоби йўқ дегин.

Қизалоқ пилдираб эшикка отилади. Тўкилиб турган кавушнинг «жағлари» айрилиб, бир пойи балчиқда қолди. Қизча бир оёғида кавуш, бир оёғи яланг Латиф бобога югурди. Изиллаган ҳаво қизалоқни қанотида олиб учди. Латиф бобо етиб келганида Бўстонлик Ҳожимурод бобо оламдан ўтгандилар.

Отанинг сўнгги дуоси, бахтли бўл, қизим дегани, Шарифахоннинг қулоқларида кечагидай янграб туради. Ахир, отажони мана шу Бўстонга бир этак бола билан кўчиб келганининг боиси ҳам туман марказидаги мактабда гўдакларини ўқитиш эди-да!

Шарифахон бўй чўзиб оқи оққа, қизили қизилга айланган навқирон ёшида Абдуҳалим Нуруллаевдан совчи келганида ҳам индамай розилик берди. Ота қишлоғи — Хомравотга келин бўлиб тушишни бахт деб билди. Узилган, кўмилган йўллар тикланди, очилди. Бу йўллардан янги авлод, янги насллар ўта бошлади.

Набиралар кийикчадай тўрт ёққа сочилиб ўйноқлаб кетадилар. Байрамларда катта хонадон гавжумлашади. Фарзандларини уй-уйига жўнатиб қўйганда иккovлари ёлғиз қолиб ёшлик ҳақида кўп сўйлашади. Меҳру муҳаббат, ижод ва изланиш тўла йилларни эслаб, фарзандлар дуосини қилиб, хотиржам кексалик гаштини суриш ҳаммага ҳам насиб этсин дейман.

**Ойдин ҲОЖИЕВА.**



**Тошкент шаҳридаги 132-ўрта мактабда ўқувчиларни табиатга меҳр руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Зеро, шу меҳрдан Ватанга муҳаббат шаклланади.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

АНДЕРАЙТИНГ (обуна) — сотиш мақсадида янги чиқарилган қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш. Одатда инвестицион дилерлар, андерайтер (обуначи)лар гуруҳлари шуғулланади.

АНДЕРРАЙТЕР — суғурта компаниялари ва банклардаги энг обрўли молиявий фаолият тури. Суғурта ишида суғурта битимлари тузиш учун масъул шахс; банк ишида эса махсус хизмат ҳақи эвазига эмитент (қимматбаҳо қоғоз, заёмлар чиқарувчи)га унинг заём облигациялари ёки акциялари пакетини келишилган шартларда бозорда жойлаштиришга кафолат берувчи шахс ёки компания.

АННУИТЕТ (фр. — йиллик бадал) — узоқ муддатли давлат қарзи турларидан бири, асосий қарзни унга тўланадиган процентти билан аста-секин қайтариш имконияти ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йили кредиторга маълум даромад келтиради.

АНТИМОНОПОЛ СИЁСАТ — иқтисодиётни монополия (якка ҳукмронлик)дан халос этиш ва монополияларни чеклаб қўйишга йўналтирилган давлат сиёсати.

АНТИТРЕСТ ҚОНУНЧИЛИГИ — монополистик корхоналар ташкил этиш йўли билан эркин рақобатга тўсқинлик қиладиган капиталнинг марказлашув жараёнини бошқариб туришда қўлланиладиган давлат қонунлари.

АПОРТЛАР — акционер жамият ихтиёрига акциялар учун тўлов тарзида ўтадиган мулк. Апорт баҳоланган ва пул капиталининг муайян суммасига тенглаштирилган товарлар, савдо ва саноат корхоналари бўлиши мумкин. Кўпинча таъсисчилар янги ташкил этилаётган акционер жамиятларга апорт сифатида ўз корхоналари ҳамда товарларини оширилган нархда ўтказадилар, натижада мулк қийматига нисбатан кўпроқ миқдорда акция оладилар.

АРАЛАШ ЖАМИЯТ — чет эл капитали билан ҳамкорликда барпо этилган, мамлакат қонунларига бўйсинувчи корхона, хўжалик фаолияти турларидан бири.

АССЕКУРАЦИЯ — товарларни ёки бирон-бир мулкни суғурта қилиш.

АУДИТ (лат. — эшитмоқ) — хўжалик фаолиятини текшириш, тафтиш қилиш, таҳлил этиш.

АУДИТОР ФИРМА — корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма; одатда акционер жамият ёки кооператив шаклида фаолият қилади, ўз хизмати учун ҳақ олади. Аудитор фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам эмас, ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қоидаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, эълон этилмайди. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар деб аталади. Улар вақтбай ишлаб, хизмат ҳақи ишланган кун ҳисобига қараб тўланади. 1990 йили хорижда аудиторлар ҳар кунги иши учун 500 дан то 1500 долларгача хизмат ҳақи олган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда ҳам дастлабки аудитор фирма ташкил топган. Аудитор фирма хизмати ғоят муҳим, шу сабабли акционерлик-тижорат банклари, айрим йирик компаниялар молиявий аҳволига кафиллик берувчи расмий аудитор фирма белгилаб қўйилади. Шунингдек, корхоналар аудитор фирмалар хизматидан фойдаланиб, ўзларининг молиявий аҳволидан чуқурроқ хабардорликка эга бўлади. Ўзбекистонда 1992 йилдан «Ўзбанкаудит» банклараро акционер жамият иш олиб боради, банклар, кредит муассасалари, суғурта компаниялари, ташкилот ва корхоналар, колхозларнинг тижорат ва молиявий-хўжалик фаолиятини текширади, мижозлар буюртмаси бўйича экспертизалар ўтказади.

**Боши газетамизнинг ўтган сонларида.**

**Давоми бор.**

## ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ

Мана, яна талабаларнинг севимли «Қувноқлар ва зукколар» республика мусобақаси бошланди. Унда мамлакатимизнинг деярли барча олий ўқув юртлари жамоалари қатнашадилар.

Куни кеча I босқич мусобақаларидан бири ТошДУнинг маданият саройида бўлиб ўтди. Унда ТошДУнинг «Шоввозлар», Тошкент автомобиль йўллари институтининг «Автоюлдузлар» ва Тошкент молия институтининг «Хазинабонлар» гуруҳлари ўзаро беллашдилар. Ўйин давомида ўзларининг устунлигини яққол намоён этган Тошкент давлат университетининг «Шоввозлар» гуруҳи аъзолари ғолиб чиқди ва кейинги босқичга йўлланма олди.

**Хайрулла ЖУМАЕВ.**

# ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТЛАРИ ДУНЁ КЕЗАДИ



*Мирзо Улуғбек номли Тошкент давлат университети журналистика факультети қошида ўзбек журналистикаси тарихида биринчи марта халқаро журналистлар тайёрлаш бўлими очилди.*

***Республикамиз ўз истиқлолини қўлга киритгунга қадар халқаро журналистлар фақатгина Москвада «махсус кўрсатма» асосида тайёрланар эди. Миллий журналистларни халқаро доирада етиштириб бериш ҳеч кимни қизиқтирмасди. Бахтли тасодифни қарангки, Ўзбекистондан фақаттина Қаҳҳор Рашидов «Известия» газетасининг Япониядаги мухбири бўлган экан. Бугун давр ўзгарди. Мамлакатимизда ушбу мутахассисликка бўлган эҳтиёж кескин ортди.***

***Бироқ бу муаммо бир неча йиллардан буён ҳал бўлмай келарди. Сабаби, халқаро журналистика соҳасидаги мутахассисларнинг йўқлиги, дарс берадиган ўқитувчиларнинг камлиги ҳамда бу касбнинг мураккаблиги эди. Келинг, яхшиси қолганини халқаро журналистика кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Файзулла Муминовдан эшитинг:***

— Биз бир неча йилдан буён ТошДУ журналистика факультети қошида халқаро журналистлар тайёрлаш бўлимини очишга ҳаракат қилган эдик. 1995 йил 27 апрель куни Президент девонида мажлис бўлиб, унда Президент маслаҳатчилари, 8 нафар вазир иштирок этиб, шу масала кўтарилган ва бир оз ҳал бўлгандек бўлувди. Афсуски, 1995 йил ёзги қабул имтиҳонида халқаро журналистика бўйича ҳужжат қабул қилишга рухсат берилмади.

Шуни миннатдорчилик билан айтиб ўтиш лозимки, халқаро журналистика бўлимини очишда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимовнинг хизматлари катта бўлди. Бизга Президент девонидаги ўша мажлисда халқаро журналистларни тайёрлаб беришни беш йил кутиш маълум маънода мамлакатимизга қимматга тушиши, шунинг учун иложи борича уларни бир ярим, икки ярим ва уч йил ичида тайёр мутахассис сифатида етказиб бериш вазифаси қўйилганди. Шу муносабат билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўзининг 1995 йил октябрь ойида бўлиб ўтган мажлисида Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Қорақалпоғистон давлат университетларининг журналистика бўлимларида таҳсил олаётган, хорижий тиллардан бирини яхши биладиган 3-4-курс талабалари ўртасида тест синови ўтказиш бўйича қарор қабул қилди. Шу қарорга асосан, 23 декабрда тест синовини ўтказдик. Бу синовда Тошкент давлат университети журналистика факультети ва Андижон давлат университети журналистика бўлими талабалари қатнашиб, улардан 15 талаба саралаб олдинди. Вазирликнинг қўшимча қарорига асосан 10 февралда Қорақалпоғистон ва Тошкент давлат университети талабаларидан тил ва мутахассисликка доир фанлар асосида синовдан ўтган яна ўн нафар иқтидорли талаба қабул қилинди. 12 февралдан жами 25 нафар талаба билан ўқиш бошланди. Уларнинг 11 нафари 4-курс ва қолган 14 нафари 3-курс бўлиб, 2 гуруҳга бўлинди. Келаси ўқув йилидан бошлаб 1-курсга тест синови орқали талабалар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**— Файзулла ака, бўлимни очишдан кўзда тутилган асосий мақсад нимада?**

— Хорижий журналистика бўлимини очишдан асосий мақсад, Ўзбекистон фарзандларидан халқаро миқёсда ўз ватани учун ижод қила оладиган журналистларни тайёрлашдир. Пировард мақсадларимиз бугунги талаба, эртанги журналистларга инглиз, немис тилларидан мукаммал билим бериш, уларга халқаро муносабатлар ва этикадан сабоқ бериш, хорижий журналистика фани сирларини ўргатишдан иборат. Ҳозирча бўлимимизда таҳсил олаётган талабаларнинг 18 нафари инглиз ва 7 нафари немис тилларидан сабоқ олишмоқда.

**— Талабаларнинг чет тилини мукаммал ўрганишлари учун неча соат ажратиляпти?**

— Хорижий тилларни тезроқ ва мукаммал ўргатиш мақсадида бўлимда мавжуд немис ва инглиз тили учун ҳафтада 12 соат вақт ажратдик. Талаба тилида бу 6 пара дегани. Бугунги кунда талабаларимиз тилни қанчалик чуқур ва мукаммал ўқиб-ўрганса, мақсадга етиш ҳам шунчалик осон бўлади.

**— Маълумки, жаҳон журналистикасида икки йўналишда таълим олиб борилади. Халқаро журналистлар тайёрлаш бўлими қайси йўналиш бўйича фаолият кўрсатяпти?**

— Тўғри таъкидладингиз, жаҳон журналистикасида журналистика мутахассислиги таълимининг икки йўналиши бўйича иш олиб борилади. Биринчи усул ижтимоий усул бўлиб, дастлаб у асримизнинг 60-йилларида Францияда пайдо бўлган. Шимолий Африка, Марказий Европа ва МДҲ давлатлари университетларида бўлажак журналистларга ана шу ижтимоий усул дастури асосида таълим берилиб келган эди.

Иккинчи усул янгиликлар журналистикаси бўлиб, дастлаб Америкада вужудга келган. Бу усул Япония, Англия, Малайзия каби бир қатор йирик мамлакатлар олий таълимида журналист мутахассисларни тайёрлашда қўлланилади. Усулнинг асоси янгиликларни қисқа муддатда тезроқ йиғиш ва узатишдир.

Бугунги кунда янгиликлар журналистикаси дунё миқёсида кенг тарқалган ва ривожлангандир. Шундай экан, биз эски йўлдан бормасдан, ана шу мақбул таълим тизимини танладик. Сабаби, бизнинг талабаларимиз мутахассис сифатида хорижга чиқиб, бошқа журналистлар билан рақобатда ишлаши, мавжуд янгиликларни тезда ўзлаштириб, ўз Ватани — Ўзбекистонга йўлдош ва техник алоқа воситаларида етказиши керак. Бу нарса журналистдан касбига нисбатан иқтидорни, чуқур малака ва тезкорликни талаб этади. Демак, биз талабаларни фақат янгилик топишга эмас, у янгиликларни тезроқ қайта ишлашга, қолаверса, курашга ҳам ўргатишимиз керак. Рақобатга бардош бера оладиган журналистларни тайёрлашда, шубҳасиз, бизга иккинчи усул қўл келади.

Иккинчи асосий йўналиш шарҳлаш журналистикасидир. Шу вақтга қадар шарҳлаш журналистикаси илмий йўналиш сифатида ўрганилмаган. Биз талабаларимизга ана шу шарҳлаш йўналишида таълим беришни ҳам йўлга қўйдик.

**— Хақаро журналистика бўлимига қайси илмгоҳлардан малакали профессор ўқитувчилар жалб этилган?**

— Бўлимимизда мутахассисликдан ва махсус курслардан сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг деярли ҳаммаси журналистика факультети ва унинг ҳузурида 1991 йилда ташкил этилган халқаро журналистика кафедраси домлаларидир. Яна бир асосий таянч нуқтамиз хориж мутахассислари ҳисобланади. Аллақачон Миср давлатининг Ўзбекистондаги элчихонасининг матбуот ишлари бўйича масъул ходими талабаларимизга илк сабоқ берди. Ривожланган мамлакатлардан ҳам мутахассисларни чақиришни режалаштирганмиз. Тил ва бошқа фанлардан эса университетимиз ўқитувчилари талабаларга билим беришмоқда. Ўйлайманки, ҳар бир домла ўз касбининг моҳир устаси. Ўз навбатида улар келгусида халқаро миқёсда фаолият кўрсатадиган бугунги журналистларга намунали таълим-тарбия бера олади.

**— Журналист хоҳ халқаро, хоҳ республика миқёсида фаолият кўрсатмасин, барибир замонавий техника асосида ишлаши, тўғрироғи уларни ишлата билиши керак. Шундай эмасми?..**

— Ҳа, албатта. Ҳар бир журналист энг замонавий компьютерлар, ахборот узатиш ва қабул қилиш, ёзиб олиш воситалари билан ишлаши, уларни ишлата билиши керак. Ўзбекистон Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги шу нарсани инобатга олган ҳолда факультетимизга беш дона замонавий компьютер аппаратлари ва икки дона янги телевизор келтирди. Ҳозирда компьютер ва телевизор хоналарини жиҳозлаш ишлари олиб бориляпти. Булардан ташқари вазирлик бўлимимиздаги ҳар бир талабага сўзлашиш ва ёзиб олиш учун махсус диктофон аппаратлари ва бошқа техник воситалар бериши мўлжаллаяпти.

* * *

Она заминдан кўкариш нафаси уфуряпти. Демак, баҳор яқин қолди. Яқин йиллардан сўнг она-Ватанимиз ажнабий юртларда ўз бағридан чиққан халқаро журналистларига эга бўлади. Ўзбекистон дунёни, дунё Ўзбекистонни ўқийди, ўрганади, тинглайди ва томоша қилади. Илло, у кунлар баҳордек яқин.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**«Маърифат» мухбири.**

# ТИЛ ҲАҚИДА ТАЪРИФЛАР

## (Ўқитувчи ён дафтаридан)

**Тил — нозик гул, унинг мулойим, ҳушифор атридан кўнгиллар баҳра олади.**

**Тил — улуғ донишманд, сени юксак мартабаларга кўтаради.**

**Тил — қалблар жарчиси.**

**Тил — жаҳон гули, уни кўп киши ҳидлаши мумкин.**

**Тил — ўз кулбасида сукут сақлаган донишманддир.**

**Тил — эзгулик байроғи, юраклар қуёши.**

**Тил — замон элчиси, у саховатли ишларга бошлаб боради.**

**Тил — муҳаббат қалдирғочи, баҳорни бошлаб келади.**

**Тил — ботмас қуёш, нури келажакка етиб боради.**

**Тил — миллатнинг борлиги, бойлиги, уни ўғри уролмайди.**

**Тил — ўта заҳматкаш, у шоҳу гадога баробар хизмат қилади.**

**Тил — ўқ ўтмас, сувда чўкмас, ўтда ёнмас асл гавҳар.**

**Тил — ақл кўзгуси.**

**Тил — дарвозабон, у яхши сўзни чиқариб, ёмонини ушлаб қолади.**

**Тил — тиғсиз яроқ, у кесса қон чиқмайди, жон чиқади.**

**Тил — занжирбанд шер, бўшалса, кўпларга ҳамла қилади.**

**Тил — жанжалнинг хамиртуриши.**

**Тил — косов, баъзан сўнган ўтни қўзғайди.**

**Тил — тиғсиз ёв, камонсиз ўқ.**

**Тил — тўп, сўз эса унинг ўқидир.**

**Тил — тош синдирар бошингга, оғу қўшар ошингга.**

**Баҳром МАҲМУД.**
**Қарши шаҳри.**

*__Таҳририятимизга табиатни муҳофаза қилиш, унинг экологик ҳолатини яхшилаш учун ўқитувчи ва тарбиячилар таълим жараёнида нималарга кўпроқ эътибор бериши кераклиги ҳақида фикр ва мулоҳазали мактублар келиб турибди. Биз уларга жавоб тариқасида Т. Н. Қори-Ниёзий номли ЎзПФИТИнинг бошланғич мактаб назарияси ва методикаси бўлими мудири, педагогика фанлари доктори Қумри АБДУЛЛАЕВАнинг мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.__*

Табиат инсонни ўз қучоғида ардоқлайди. Бола дунёга келиб, нарсаларни ушлайдиган бўлгач, унинг табиат билан бевосита алоқаси бошланади. Бу алоқадорлик инсоннинг умр бўйи йўлдоши бўлади.

Ёш гўдакни кузатганмисиз? У ёруғликка, нафис нарсаларга интилади. Қоронғуликни ёқтирмайди. Очиқ рангларни хуш кўриб, уларга талпинади. Ранго-ранг гуллар ҳамиша гўдак эътиборини тортади. Серҳаракат капалакларнинг гулдан-гулга қўниши бола учун энг қизиқарли туюлади, унга маҳлиё бўлиб, диққат билан кузатади, уни тутмоқчи бўлади. Учиб кетса, ҳайрон бўлиб ортидан узоқ қараб қолади.

Қушлар наъмаси ҳам унинг эътиборини тортади. Сиз ва биз эшитмаган товушларни болалар тез идрок этиб: «Ана, биёв-биёв, чириқ-чириқ, ку-ку!», деб уларга тақлид қиладилар. Қўй-қўзилар, эчки-улоқ, сигир-бузоқлар ҳам уларнинг назаридан четда қолмайди. «Ана, ба-ба, ме-ме, мў-мў!», деб уларни ҳам ўзларича таърифлаган бўладилар.

Хуллас, табиат ва ундаги нарсалар болаларни жуда қизиқтиради. Бу ҳол болаларнинг ақл-идроки, фаросатидан дарак беради. Ота-оналар, оиладаги катта кишилар, тарбиячи ва ўқитувчилар ўғил-қизлардаги ана шу қобилият куртакларини илғаб, уларга ўз вақтида эътибор билан қарашлари, уни мумкин қадар ривожлантиришлари керак.

Ҳозирги Наврўзи олам кириб келаётган кўркам кунларда болаларнинг эътиборини баҳор табиати, унинг беҳисоб инъомларию саховатига қаратиш, тоғ-тошлардан оқиб келаётган сув, унинг эл-юртимиз, боғ-роғларнинг яшнатишдаги аҳамиятини онгли равишда фарқлашга ўргатиш лозим. Сув — об-ҳаёт, тирикчилигимиз манбаи, уни тежаш барчанинг вазифаси эканлигини тушунтириш зарур.

Халқ нақлларида:

Тома-тома кўл бўлур,
Томмай қолса, чўл бўлур, —

дейилганининг маъносини ҳаётий мисоллар билан кичик ёшдаги ўқувчиларга англатиш, томчи сув бир ўсимликнинг қуриб қолишидан асрашни, эътиборсизлик оқибатида бекорга оқиб ётадиган водопровод (сувқувур) жўмракларини бураб қўйиш, тежалган сувлар неча юзлаб ўсимлик ва дарахтларнинг ўсишини таъминлаши мумкинлигини, бу ишда, айниқса, болаларнинг катталарга ёрдами муҳим эканлигини тушунтириш вазифамиздир.

Ўғил-қизларга ўтмиш ҳақида ҳикоялар айтиш оддий панднасиҳатдан афзалдир. Шу боис, биз янги тузилган 2-синф «Ўқиш китоби»га бобо ва бувиларимиз томонидан айтиб берилган лавҳаларни киритдик. Мана, улардан бири:

СУВ — ОБИ-ҲАЁТ

— «Болаларим, асло сувга тупирманг, гуноҳ бўлади. Оқар сувга ифлос нарсалар ташламанг, бу ҳам гуноҳ бўлади. Ундан одамлар ичади, — деб насиҳат қилардилар бобом.

Авваллари ҳар хонадонда ҳовузлар буларди. Ёзда унинг суви зилол, қишда эса музларди. Биз ҳовузда сирпанчиқ учардик. Бир куни бобом кўриб қолдилар-да:

— Оёғинг билан сувни ифлос қилма, макруҳ бўлади, — дедилар.

Мен бобомлардан сўрадим:

— Макруҳ нима?

— Макруҳ ифлос дегани.

Биз қилган ишимиздан изза бўлдик.

Ёз келди. Акам ҳовузда чўмилаётган эдилар бобом:

— Бу ишинг ёмон, ахир, ҳовуз сувидан ичамиз-ку, ҳаром қилибсан, — дедилар.

Шу-шу биз ҳовузда чўмилмайдиган бўлдик.

Бобомлар, бувимлар ёшлик йилларини эслаб, кўп нарсаларни айтиб беришган. Авваллари ариқларда сувлар оқарди. Улар анҳорларга қуйиларди. Анҳорлар катта дарёлар ҳосил қиларди. Ҳамма улардан сув ичарди.

— Бобожон, нега ҳозир ундай эмас? — деб қизиқиб сўрадик.

— Ҳозирми, болам, сувга нарсалар ва чиқиндилар ташлашади. Гуноҳ нима билишмайди. Бундай қилиш ярамайди. Сувни тоза сақлаш ва тежаш лозим.

# БАҲОР КЎНГИЛЛАРДА ОЧАДИ КУРТАК

Донолар бежиз айтишмаган:

**Сувсиз ҳаёт бўлмас,**
**Меҳнатсиз — роҳат.**

Баҳор келди, ариқ, зовур ва каналларни тозалаш керак. Ҳадемай тоғдаги қорлар эриб, ариқларга сув келади. Тозалаб қўйилган ариқларда сувлар шилдираб оқса, қандай яхши!

* * *

«Сув ва болалар» мавзуси жуда кенг. Ана шу мавзудан болаларга сабоқ бераётганда шоир Қудрат Ҳикматнинг сув шеърини ўқиш ва ёд олдириш фойдали:

**Тоғдан келар пилдираб,**
**Ариқлардан шилдираб,**
**Муздек тиниқ зилол сув.**
**Шалдир-шулдир ўйнаб у —**
**Қайси ердан оқса ҳам**
**Гуркираб яшнар ўлкам.**

## *Табиат, Наврўз ва болалар*

Сув ҳақидаги топишмоқлар жавобини топиш, уларни расмларда ифодалаш ҳам болаларга алоҳида завқ-шавқ бағишлайди. Масалан, ушбу топишмоқни айтиш мумкин: «Кетаверади, кетаверади, орқасига ҳеч қайрилмайди». Болалар, албатта, бу топишмоқ сув эканлигини ўйлаб топадилар.

Болалар ёзувчиси Замираҳон Иброҳимова «Сув ва дарахт» («Икки дўст») эртагида сувнинг моҳиятини шундай таърифлайди (бу эртакни, албатта, болаларга ўқиб бериш лозим):

ИККИ ДЎСТ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир булоқ ва дарахт бўлган экан. Улар жуда иноқ яшашаркан. Булоқ суви кўпайиб, ариқча ҳосил бўлибди. Ниҳол эса ҳали нозик сал шамол бўлса тебраниб, зўрға ўзини тиклаб оларкан.

Кунлар ўтаверибди. Булоқ катталашиб, ариққа қуйилиб оқа бошлабди. Ниҳол ҳам бўй чўзиб қолибди. Йўловчилар дарахт соясида дам олиб, булоқ сувидан мазза қилиб ичишаркан. Буни кўрган дарахт:

— Агар бу ерда мен бўлмасам, сенинг олдингга ким ҳам келарди, — деб пичинг қилибди. Бу гапларни эшитиб, сув хафа бўлибди, лекин индамабди. Бир куни дарахт:

— Мен бор — ҳаёт бор, — дебди мақтаниб.

Сув ортиқ чидай олмабди. У оқимини ўзгартирибди. Шундан сўнг дарахт илдизига бир томчи ҳам сув келмабди. Дарахт аввалига сезмабди. Кўп ўтмай, барглари сўлиб, тўкила бошлабди. Шундан сўнг дарахт хатосини тушунибди ва:

— Дўстим мени кечир, кел яна иноқ яшайлик, — дебди.

Сув шундан сўнг аввалги йўналишида оқа бошлабди. Дарахт эса аввалгидай барқ уриб кўркамлашибди. Одамлар келиб яна бу ерда дам олиб, муздек сувдан ичиб, бу дарахтни экканга раҳмат, — деб дуо қилишибди.

* * *

Қуйидаги халқ мақоллари ҳам бежиз айтилмаганлигини болалар онгига етказиш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади:

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ

**Қадрласанг, қадринг ошар,**
**Қадрсиздан ҳамма қочар.**

Ўлкамизга Наврўз ташриф буюраётган айни кунларда болаларни табиат сирлари билан ошно этиш, уни ардоқлашга ўргатиш, айниқса, муҳимдир. Бу ўринда таълим ва тарбия бирлигини мустаҳкамлашга доир ишлар кўламини оширишга жиддий эътибор бериш керак. Шу билан бирга бошланғич синфларда ҳар бир ўқувчини «Табиат қўриқчилари» гуруҳига аъзо бўлишини, табиатни экологик ҳолатини яхшилашга ёшликдан ҳисса қўшишини ташкил этиш энг хайрли ишлардандир.

**Қумри АБДУЛЛАЕВА,**
**педагогика фанлари доктори.**

## *Хуллас...*

### ФАРАНГЧА АТИР ИККИ СЎЗГА ТАТИР

Уфада аёлларни қўятуринг, ҳатто, қушлар ҳам фаранг атирининг шайдоси экан. Гоша лақабли тўти ўшалардан бири ҳисобланади.

Қўлини кесиб олган олти яшар Радик жароҳатга «шанель» атрини суртди-ю балога қолди: Гоша тинмай «бер», «бер», дея жаврай бошлади («бер» — тўти биладиган бор-йўғи иккита сўзнинг биринчиси). Бола ҳам «мана сенга қанча атир керак» деб шишадаги бор атирни тўтининг устидан қуйди. Бу «тил билгич» қушга маъқул келдими ёки йўқми, билмадигу, лекин у кечгача «ура», «ура» дея ҳайқириб чиқди.

### ТИЛ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

дейишади азал-азалдан. Тил билсанг, дунёга кўприк соласан дея таъкидлашади яна. Лекин тил билмаганнинг ҳам баъзан омади чопиб қоларкан.

Анатолий деган шахс Гонконгдаги дўконлардан биридан лаб бўёғи ўғирлаб, қўлга тушди. Суд бўлди. Лекин айбланувчи билан ҳакамлар ўртасида жаҳон тили ҳисобланмиш «имо-ишоралар» билан ҳам мулоқот ўрнатиб бўлмади. Рус тили ва инглиз тилини мукаммал билгувчи, ишонарли шахслар эса топилмади. Суд ҳам «боре» деди-да, лаб бўёғини дўконга топшириб, ўғрини озодликка чиқариб юборди.

### ЎЙИНЧОҚДАН ЎҚ ЧИҚДИ

Минск шаҳридаги ота-оналардан бири ўз уйи ваннасида тўққиз яшар ўғлининг мурдасини топиб олди. У қўли боғлиқ, бўйнида арқон билан сувда ётарди. Воқеадан сўнг шаҳарнинг энг моҳир изқуварлари оёққа турғизилди. Ва қотиллар тезда топилди. Йўқ, болани ўлдирган ном чиқарган жаллод ёки ўғри эмас, балки боланинг синфдошлари экан. Фожиага электрон ўйинчоқ сабаб бўлибди.

### ҚУЁН ИТ ОВЛАДИ

Шимолий Уэлсдаги овчилардан бири ов маҳали икки итини йўқотиб қўйди. Барча излашлар натижасиз тугади. Энди умид узаман деб турганда, иккала вафодори озиб-тўзиб остонада пайдо бўлиб қолишди. Кейин маълум бўлишича, қуённинг орқасидан тушган итлар унинг уясига кириб қолишади. Чиқишнинг иложи бўлмайди. Бир неча ҳафта ўтиб, анча озишгандан сўнггина, «қуённинг тузоғи»дан озод бўлишади.

*ана шунақа гаплар.*



* * *

***Бой кутубхонага эга бўлган мактаб комил инсонлар тарбиясига эришишдек эзгу ниятига осонроқ эришади. Сураткаш Рашид Галиевнинг хабар беришича, Чиноз туманидаги 27-ўрта мактаб жамоаси ҳам ўз кутубхонаси билан фахрланса арзийди. Кутубхонада 2 мингдан зиёд бадиий китоб бор. Айни пайтда 670 нафар ўқувчи кутубхонанинг доимий аъзосидир. Уларни кутубхона мудираси Саломат Мамадалиева ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олиб, керакли китобларни танлашида кўмак бераяпти.***

***Суратда: С. Мамадалиева.***

## *Хотира*

# БИР ЮЛДУЗ УЧИБ ЎТДИ

Илк бор жажжи қўлларимизга қалам тутқазган ва бизга оқ йўл тилаган сиймо юрагимни ҳеч қачон тарк этмайди.

Синдор Аҳадов ўзининг иш фаолиятини Бахмал туманидаги 7-ўрта мактабда бошлади ва қисқа иш фаолияти давомида ўнлаб шогирдлар етиштирди. У юзлаб шогирдлар етиштириши мумкин эди, аммо бевақт ўлим унинг бу истагини рўёбга чиқармади...

1989 йил 1 сентябрь. Ҳамма ўқувчилар жонажон мактаби томон ўзгача қувонч ва ҳаяжон ила йўл оладилар. Мен ҳам бир қучоқ алвон гулларни қучганимча қадрдон мактабим, биринчи устозим томон шошилдим. Не умидлар уммонида мактабим қучоғига кириб бордим. Ҳамма хурсанд, ҳамма бир-бирини янги ўқув йили билан қутлашарди. Жажжи қизалоқлар қўлларига гулларини тутганича, ўзларининг бийрон тилларида шеърлар айтишарди.

Мен ҳам ўз ўқитувчимни табриклаш учун уни нигоҳим ила қидира бошладим. Аммо уни қанчалар изламайин тополмадим. У йўқ эди. Қўлларимдаги алвон рангли гуллар ўз эгасини тополмаганидан ранжигандек кузнинг майин шабадасида ҳилпирарди...

Гуллар эгасиз қолган эди.

Бу бешафқат дунё гулларимни унинг қабри пойига қўйишга мажбур этди.

Бу фоний дунёда фақат инсон қилган яхшилик, эзгулик ва меҳр-муҳаббаттина қолади. Айтишларича оллоҳ ўзи суйган бандаларини эрта чақирармиш. Устозим, оллоҳ сизга раҳм қилган бўлсин!

Ўша куни уйга бир олам изтироб билан қайтдим. Юрагимда аллақандай нотинч ҳис мени на ўйлашга, на ўқишга, на ишлашга қўярди. Кечгача ана шу ўйлар уммонида тентираб юрдим. Ярим тунгача уйқум келмади. Ярим тундан сўнг кўзим илинибдики, туш кўрибман.

Тушимда зим-зиё йўлда кетиб бораман. Ҳамма томон қопқоронғу. Аллақандай ваҳимали товушлар мени ўз оғушига тортар, мен қўрққанимча қайсидир томонга чопиб борардим. Шунда бирдан осмонда юлдуз учиб ўтди. У фақат бир дақиқагина учиб ўтган бўлсада, қолдирган изи оламни мунаввар этди. У қолдирган ёрқин из неча-неча инсонлар йўлини ёритди...

Сизнинг порлоқ хотирангиз олдида бош эгдим, устоз. Руҳингиз ҳамиша шод бўлсин!

**Пўлат АЛИБЕКОВ,**
**ТошДУ талабаси.**


# КОЛЛЕЖДА ТАЙЁРЛОВ КУРСИ

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШИ — КОММУНАЛ КОЛЛЕЖИ ўрта мактабларнинг 9- ва 11-синфларини битирган ўқувчилар учун уч ойлик тайёрлов курси ташкил этди.

Тайёрлов курсида дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш 1996 йил 15 мартдан бошланди.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси, 32-уй.**

**ТЕЛЕФОНЛАР: 44-24-42; 44-61-80; 44-23-04.**


# ТИНЧЛИК КОРПУСИ — ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА

# IN ENGLISH

March 1996 Issue No. 12 *English Teachers' Newsletter of Uzbekistan*

*Letter from the Editors,*

*Women's Day! March 8*

*Recognizing and celebrating the achievements of women should take place every day of the year but especially on March 8, International Women's Day. Women's Day began in Chicago, Illinois. What better reason is there to incorporate Women's Day into our English lessons?*

*Help encourage and inspire Uzbekistan's young women and girls with activities and discussions. Have students write short essays about their mothers, sisters and aunts. Play a game or make a crossword using the names of important women, especially from Uzbekistan. Pick a famous woman and have your students put on a short play, skit or write a dialogue about her.*

*It's fun, it's easy and most of all--it's important!!*

*Joe Dalsin*
*Anne Hauk*
*Editors*

## Teaching "The Family"

**Sarah Prosser**
**Peace Corps Volunteer**
**School #45**
**Samarkand**

Keeping pupils interested is any teacher's greatest challenge. Exciting and relevant topics are especially important when teaching English. It is easy for a disinterested pupil to "tune out" or let boredom overwhelm his or her efforts to understand the language.

One way to keep pupils interested is to make the lesson personally relevant. Ask students to bring in photos of their family to illustrate vocabulary related to families. The students can then tell their classmates, in English, about the relatives they know best. Be a model for your students and bring in pictures of your own family. Conversation can be fun when pupils discus their families, the people closest to them.

Here is a list of activities using family photos which provide practice in many different areas of language learning:

**Writing:** Have pupils describe, in writing, the people in their photos. Describe each one by name, age, physical features and characteristics. When they are finished put the students' writing, with the photograph, on the classroom walls for other studehts to read. We may also use these short essays in many other ways.

**Listening Comprehension:** In pairs or small groups have a student show their photo and then read their description of it. The other students must try and identify which family member they are describing by listening carefully and then pointing to the correct person.

**Dictation/Listening Comprehension:** Choose a student who wrote an especially good or interesting essay to read their essay out loud to the class while the other students practice dictation. Make sure that the pupil who is reading does so clearly and more than once so that the other students may have a chance to check their work.

**Conversation:** What else can pupils say about their families? What other vocabulary have you learned in class? Use past topics and vocabulary as review and have students work in pairs to write dialogues about their family and holidays or their family and sports or their family and work. Then have your pupils act out their dialogues for the class.

Many areas of communicative competency can be covered with a single, interesting topic. It is easy to see how other relative topics, such as a pupil's home, friends, and after school activities could be introduced while grammar points could also be included. While learning the English language is the end goal, making learning fun and relevant smooths the path.

## SPORTS CROSSWORD



**Across:**

1. You must run a long way for this sport.
3. Our four legged friends do most of the work.
5 Played in a ring.
7. This sport is for acrobats.
8 You can have a BALL playing this very popular game.
10. Beautiful but slippery.
12. You need a net and a racket.
14. This is a very heavy undertaking.
15. Smaller than lawn tennis.
17. The net in this game is very high.
18. You must be very fast if you want to win.
19. You need clubs and a bag.

**Down:**

2. A popular winter sport played with a puck.
4. This sport is all wet.
5. You must shoot to score.
6. Ancient Asian sport
9. This sport makes a big splash.
11. Pure snow and pure speed.
13. Loud, noisy, and fast.
14. Two men and one mat.
16. This American sport is a real HIT!

ANSWERS IN THE NEXT ISSUE

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the English Teachers' Newsletter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER

Республика таълим илмий-методика маркази жамоаси ва касаба уюшмаси мактабдан ташқари таълим лабораториясининг етакчи методисти Шаҳодат Ҳасановага акаси

**Абдумуталиб АСАДУЛЛАЕВ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қурилиш-коммунал коллежи жамоаси шу коллежнинг Чорбоғ филиали собиқ бошлиғи

**Одил ХОЛХЎЖАЕВ**

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Ма'рифат

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.***

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Асқар Шокиров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0141. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 39 710.
1 2 3 4 5 6